

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ  
ФАКУЛЬТЕТ

“Миллий ғоя ва фалсафа”  
кафедраси

4151500 “Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият  
асослари” таълим йўналиши IV курс 5-45 гуруҳ  
талабаси

ҚОДИРОВ ШЕРЗОДнинг

**“XXI АСРДА ЎЗБЕК  
ФАЛСАФАСИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ”**

мавзусида ёзган

**БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Ҳимоя учун қабул қилди:  
“Миллий ғоя ва фалсафа”  
кафедраси мудири, ф.ф.н.,  
доцент С.Исмоилов \_\_\_\_\_  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2012 йил

Илмий раҳбар:  
“Миллий ғоя ва фалсафа”  
кафедраси мудири, ф.ф.н.,  
доцент С.Исмоилов \_\_\_\_\_  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2012 йил

# **Мавзу: ХХІ АСРДА ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Р Е Ж А :**

**КИРИШ**

**I-БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ФАЛСАФИЙ  
ФИКРЛАР РИВОЖИ**

1.1. Мустақиллик ва фалсафа мустақиллиги.

1.2. Ўзбекистон фалсафасининг тараққиёт йўналишлари.

**II-БОБ. ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИНИНГ ХХІ АСР БЎСАҒАСИДАГИ  
ФАОЛИЯТИ**

2.1. Ўзбек фалсафасининг етук намоёндалари фаолияти.

2.2. Ўзбек фалсафасининг асосий тараққиёт йўналишлари.

**III-БОБ. МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ**

3.1. Мустақиллик фалсафаси.

3.2. Фалсафа мустақиллиги ва муаммолари.

**ХУЛОСА.**

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

**ИЛОВАЛАР**

## КИРИШ

Мустақилликнинг тараққиёт йўли мамлакатимизда фан ривожини учун кенг имкониятлар яратди. Фаннинг барча соҳаларидаги каби фалсафада туб ўзгаришлар содир бўлди. Зеро, энг қадимий ривожланиш тарихига эга бўлган фалсафа ўзида турли даврларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини мужассамлаштириб, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашни, нафақат англаш, балки уларга муносабат билдиришни шакллантиради. Модомики шундай экан, бугунги кунда фалсафани янада ривожлантириш, ёш авлодни фалсафий дунёқараш, замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга”<sup>1</sup>.

Фалсафий тафаккурнинг ижтимоий-сиёсий асослари ҳар қандай жамият халқининг ижтимоий онгини ўзгартиришга, унинг пировард мақсадларига хизмат қилишга қаратилган.

Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгилашиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Президент Ислам Каримов таъкидлаганларидек: “Фалсафа барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам - медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъий назар – ҳаётнинг, ўз касбининг маъно мазмунини яхши тушунмайди. Мисол учун, тарихни таҳлил қилиш учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хулосалар чиқара олиш керак. Шу боис тарихчи бўлиш учун фалсафий тафаккур қобилиятига эга бўлиш даркор”<sup>2</sup>. Шундагина инсон буюк

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 113 бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш-бугунги куннинг устувор вазифасидир. // Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари- олий кадрият. -Т.: Ўзбекистон, 2006. 117 бет.

алломалар орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантириш ва такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўша олади.

“Фалсафа” фани барча замонларда ва мамлакатларда ҳамма университетлар ва бошқа олий ўқув юртларида ўрганиш учун мажбурий саналган фундаментал фанлардан бири бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Мазкур фанни моҳиятини ўрганишимиз жараёнида, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашимиз ва фалсафа инсон ўз-ўзини ва ўзини қуршаган дунёни англаб етишида қандай рол ўйнашини тушуна бошлаймиз. Зеро, Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек: “Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади”<sup>1</sup>. “Бир сўз билан айтганда, ёшларимизни фалсафий тафаккур билан қуроллантириш” - давр талаби. Нега деганда, бугунги замонда ҳар қандай рақиб ва муҳолиф билан баҳсга киришиш учун унинг қарашлари ва ғояси, фалсафасини кўпроқ билишимиз, керак бўлса, унинг ўзидан ҳам пухтароқ эгаллашимиз лозим”<sup>2</sup>.

Миллий истиқлол ғояси ва мафқурасининг теран илдизлари мавжуд бўлиб, истиқлол мафқурасининг шаклланишида унинг тарихий илдизлари билан биргаликда фалсафий илдизлари ҳам унинг шаклланишига кучли таъсир этган. Мустақиллик даврида миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши билан бир вақтда унинг фалсафий илдизларини ўрганиш ва тадқиқ этиш ижтимоий соҳанинг энг долзарб мавзуларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллигимиз туфайли халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори, маънавий дунёси кундан – кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг фалсафий асосини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

“Миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб янада ривожлангандагина жамиятда ўтказилаётган ислохотларни

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 83 бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш -бугунги куннинг устувор вазифасидир. // Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркиликлари - олий қадрият. -Т.: Ўзбекистон, 2006. 118 бет.

муваффақиятли амалга оша олади, чунки маънавий баркамол, маърифатли, рухан бардам, янгича тафаккурлаш қобилиятига эга инсонгина истиқлол ва тараққиёт йўлини шараф билан ўта олади. Шундай экан, халқимизнинг маданий мероси, юксак маънавий қадриятларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни республикамизда яшовчи ҳар бир инсоннинг онгига сингдириб, айниқса, ёш авлодни маънавий етук, фидоий комил инсонлар этиб тарбиялаш ҳозирги кундаги энг долзарб муаммолардан ҳисобланади”<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда миллий тикланиш бир томондан миллий ўзликни англаш, бошқа томондан, жамиятнинг ғоявий-мафкуравий асосларини яратиш, учинчи томондан эса бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш асносида юз бермоқди.

Мустақиллик даврида бу борада катта ишлар бажарилди. Бироқ, хали бажарилиши лозим бўлган вазифалар кўп. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш энг аввало унинг фалсафий асосларини мустаҳкамлашни талаб этади.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Ушбу битирув-малакавий ишнинг мақсади ҳозирда мамлакатимиз ривожига катта аҳамият касб этадиган ХХІ асрда ўзбек фалсафасининг ривожланишини аниқлаш ва тадқиқ этишдир. Бу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ўз олдимизга қуйидагиларни вазифа қилиб қўйдик:

- ўзбек фалсафасининг ривожланишини давр талаби натижасида юзага келганлигини асослаш;
- ўзбек фалсафасининг ривожланиш йўналишларини аниқлаш;
- ўзбек фалсафасининг ривожланишининг тарихий асосларини кўрсатиш;
- миллий истиқлол ғоясининг фалсафий илдизларини, хусусан, ХХІ аср ўзбек файласуфларининг меросидаги фалсафий ғояларни ўрганиш;
- миллий ғоя ва миллий мафкуранинг фалсафий илдизлар тизимига шарҳ бериш;

---

<sup>1</sup> Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. -Т.: Ўзбекистон. 1998. 6 бет.

- XXI аср ўзбек файласуфлари меросининг миллий истиқлол ғоясининг шаклланишини ҳамда ёшлар тарбиясидаги ўрнини кўрсатиш;

- миллий истиқлол ғоясининг шаклланишида XXI аср ўзбек файлафасининг ўрнини очиб бериш;

- фалсафанинг миллий ғоя такомиллидаги ўрнини кўрсатиш ва бошқалар.

### **Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.**

Битирув-малакавий ишимизда XXI аср ўзбек файласуфлари ва уларнинг илмий меросини тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилиб, унинг ёшлар тарбиясидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилган. Булардан ташқари, XXI аср ўзбек фалсафасининг шаклланиши, мақсади ва фаолияти, унинг аҳамияти ҳамда ривожини ёритишга ҳаракат қилдик. XXI аср ўзбек фалсафасининг шаклланиш жараёнини, унинг йўналишлари тарихини таҳлил қилган ҳолда, XXI аср ўзбек фалсафасининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр юритамиз. Мавзуни ёритишда Президент асарлари, Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа илмий ва оммавий адабиётлардан ва XXI аср ўзбек файласуфларининг тадқиқот ишлари ва маънавий ҳаётга бағишланган бир қатор илмий мақолалар, Интернет сайтларидаги маълумот ва хабарлардан назарий асос сифатида, имконият даражасида фойдаландик.

**Ишнинг амалий аҳамияти.** Мазкур битирув-малакавий ишимизда келтирилган маълумотлардан “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Ўзбекистон тарихи”, “Маданиятшунослик” ва бошқа ижтимоий фанлардан маъруза, реферат, курс ишлари ёзишда, семинар машғулотларига тайёргарлик кўришда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари умумтаълим мактаблардаги ижтимоий фанлардан сабоқ бераётган ўқитувчиларга ёрдамчи материал сифатида фойдаланиш учун тавсия этиш мумкин.

**БМИ тузилиши.** Мазкур битирув-малакавий ишимиз: Кириш, уч боб, олти параграф, Хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 72 бетни ташкил этади.

# I-БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР РИВОЖИ

## 1.1. Мустақиллик ва фалсафа мустақиллиги.

Ўзбекистоннинг миллий, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, истиқлолимизнинг кенг кўламлардаги истиқболни таъминлаш эҳтиёжлари маънавиятимизни инқироздан тезроқ қутқаришни, уни масъулиятли давримиз, замона талаблари даражасидаги юксакликка кўтаришни ўта кескин, долзарб бир зарурат қилиб қўйди. Бу заруратнинг, асосан, иккита сабаби бор.

Биринчидан, миллий истиқлол боис жамиятимиз мисли кўрилмаган мураккаб вазифаларни мумкин қадар тезкорлик билан ҳал этишга даъват этилди. Мустабид тузум даврида биз учун «ўйлашарди», «куйиб-пишишарди», «ғамхўрлик» кўрсатишарди. Эндиликда, «ўз ўчоғимизга ўзимизнинг олов тортишимизга» тўғри келмоқда. Зеро, мустақиллик - бу «осмондан чалпак ёғиши» ёки фақат «дўппини осмонга отиш», дегани эмас... Мустақиллик, бу, авваламбор, енг шимариб, тер тўкиб, астойдил меҳнат қилиш демакдир. Амир Темур айтганидек, курашсиз ғалаба - ғалаба эмас... Мустақиллик мамлакатимиз фуқаролари, унинг раҳбарияти олдига қатор туб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий масалаларни кўндаланг қилиб қўйди. Булар зинҳор шошма-шошарлик, ур-йиқит, тўс-тўполон, ортиқча ҳис-туйғуларга берилиш орқали ҳал этилмайди. Аксиича, миллион-миллион кишиларнинг ҳаётига, мамлакат, жамият ҳаётига дахлдор муаммолар ҳамиша пухта ўйлаб иш кўришни, ижтимоий барқарорликни, осойишталикни, ақл-заковатнинг фаол иштирокини тақозо этади.

Ақл-заковат, тафаккур асосида, уларга таяниб иш кўриш фақат инсонга хос фазилятдир. Умуман олганда, ушбу инсоний фазилятни улуғлаш, тараннум этиш, Шарқни диний хурофот, бидъатчиликда айбловчилар фикрига қарама-қарши ўлароқ, маънавий маданиятимизнинг туб хусусиятларидан биридир. Мана бир яққол мисол:

«...Худо неъматларин олийси идрок,  
Ақлни васф этар кимки дили пок.  
Ақл бир тирик жон, билмайди завол.  
Ақл турмуш асли, буни ёдлаб ол.  
Ақл йўл кўрсатиб, дилни этар шод,  
Ҳар икки оламда ақлли обод.  
Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўктамлик,  
Ақлдан борлигу йўқлигу камлик.  
Агар ақли хира бўлса ҳар инсои,  
Шодликка эриша олмас бир замон.  
...Ақл улуғликка этади пайванд,  
Ақлсизнинг доим оёғида банд.  
Ақл дил кўзи-ку, фаҳмига етсанг,  
Яхшимас жаҳондан кўр ўтиб кетсанг.  
Худо берганларин ақл султони,  
Ақл-ку аслида юрак посбони...  
...Ҳамиша ақлингни раҳнамо этгил,  
Нолойиқ ишлардан олисроқ кетгил...»

Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳномаси»да битилган<sup>1</sup>, мангуликка мансуб ушбу сўзлари минг йилдан бери қалбларни тўлқинлантириб келмоқда.

Демак, ақл, тафаккур, маънавият инсонинг зот белгиси. Аммо, бу ҳамма одам ҳам ақлли дегани эмас. Инсонга ақл-заковат соҳиби бўлиш имконияти берилган. Бинобарин, инсоний, ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши ақлий тафаккурнинг тегишли даражасини тақозо этар экан, уларга боғлиқ экан, у ҳолда, бунга етарли эътибор бермаслик асло мумкин эмас. Меъёрий шароитда одамлар нафақат улуғвор мақсадларни, ҳатто кундалик турмуш икир-чикирларини ҳам ақл тарозисига қўйишга интиладилар.

---

<sup>1</sup> Жалолов А. Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1994. 57 бет.



Шундай экан, мустақиллик меваларидан бахраманд бўлишни истаган ҳар бир чинакам ватанпарвар айни маънавият, унинг заминиде яратилажак мафкура орқали жамият нимани кўзлаётганлиги ҳамда унга қандай эришмоқчи эканлигини англаб олади. Бу омилсиз эртанги кунимизнинг истиқболи таҳлика остида қолади.

Иккинчидан, бизнинг ижтимоий онгимиз чуқур, туб ўзгаришларни ўз бошидан кечирмоқда. Кеча мутлақ ҳақиқат, деб билган нарсаларимиз, карашларимиз кўз олдимизда чил-парчин бўлмоқда. Маънавий бўшлиқ вужудга келмоқда, рухий инқироз кўпчилиқни довдиратиб қўйди.

Биз воз кечишимиз лозим бўлган мафкура мустабид шўро тузумининг химоячиси эди. Эндиликда, яратмоғимиз лозим бўлган мафкура эса, мустақиллигимизнинг, демократик жамиятнинг, ҳуқуқий давлатчиликнинг, ижтимоий адолатга асосланган турмушимизнинг, уларга қайси йўл орқали боражагимизнинг ғоявий ифодаси бўлмоғи лозим.

Шу боис Республикамиз Президенти И.А.Каримов бу хусусда алоҳида куйиниб гапирмоқда, миллий истиқлол ғояси, мафкурасининг асосий белгиларига ҳамда улар ҳал этиши лозим бўлган муаммоларга диққат-эътиборимизни жалб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг чақириғига биз, аввалги даврдагидек, хўжақўрсинчилик қабилида эмас, балки бу жиддий масалага умуммиллий, умумдавлат аҳамияти берилаётганлигини ҳар томонлама ҳисобга олиб, жавоб бермоғимиз керак бўлади. Зеро, миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқиш, бу мавсумий иш эмас. У узоқ вақтга мўлжалланган жараёндин (лекин, бундан ҳозирча «кўлни қовуштириб ўтиравериш керак», деган хулоса келиб чиқмайди). Бунинг устига, мафкура бутун маънавиятимиз салоҳиятли тараққиётининг мустаҳкам заминига таянган ҳолда юзага келиши мумкин.

Миллий истиқлолни мустаҳкамлаш йўли маънавиятни юксалтиришни устувор масала қилиб қўяётган бўлса, бу ҳол маънавиятнинг мағзи, унинг нақд ўзаги ҳисобланмиш фалсафа илмини худди мана шундай мавқе соҳиби бўлишга даъват этмоқда.

Биз фалсафа илмига кўр-кўрона мадҳиялар ўқишдан йироқмиз. Бунга фалсафанинг ўзи ҳам муҳтож эмас. Аммо, уни менсимаслик жамиятга хашиша қимматга тушиб келган. Узоққа бормаилик. Фалсафанинг мустабид шўро тузуми давридаги тақдири бунга яққол мисол бўла олади. Бу ерда биз фалсафанинг давр руҳига зид тарзда қўлга киритган ютуқларини тан олмасдан иложимиз йўқ. Аммо, қўлни кўкракка қўйиб, шуни ҳам тан олмоғимиз лозимки, собиқ СССРдаги каби Ўзбекистонда ҳам фалсафа сиёсатнинг, сиёсатбозликнинг дастёрига айланган эди. У асосан, қабул қилинган сиёсий йўлни, қарорларни, расмий нуқтаи назарларни шарҳлар, уларни мадҳ этарди. Бу йўлдан юрмаганларнинг ҳолига вой эди.

Шунга карамай, Ўзбекистонда фалсафа тарихи, хусусан, унинг минтақага оид йўналишлари бўйича ибратли ишлар қилинди. Менимча, бунинг асосий сабаблари<sup>1</sup>:

- бой фалсафий меросимизнинг мавжудлиги;

- фалсафа тарихининг тадқиқотчилар учун сиёсатдан бирмунча йироқлигининг маъқуллиги ва бошқалар.

Республикамизда ижтимоий фалсафа, диалектика, ахлоқ, нафосат, диншунослик илмлари, табиатшуносликнинг, фан тарихининг фалсафий муаммолари, билиш назарияси ва бошқа соҳаларда сезиларли ишлар қилинган. Бироқ, юқорида зикр этилган сабаблар, энг асосийси, мустақил эмаслигимиз боис Москва фалсафий жамоатчилиги белгилаб берган доирадан чиқиб кетмасликка маҳкум этилган эдик.

Эндиликда вазият тамомила ўзгарди. Жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, хур миллатлар орасида ўз овозига эга бўлишга азму қарор қилган мустақил Ўзбекистонга мустақил фалсафа, фалсафий қиёфа керак. Асло зебу зийнат маъносида эмас. Машҳур немис файласуфи Гегель айтганидек, дабдурустдан қараганда, фалсафа бир ортиқча безакка ўхшаб кўринади<sup>2</sup>. Яъни, у одамга озиқ-овқат, кийим-бош, тураржой каби энг биринчи зарурат эмас, албатта.

---

<sup>1</sup> Жалолов А. Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1994. 59 бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 60 бет.

Аммо,-дейди файласуф,- «мутлак рухнинг» жамики бойлигини ўзлаштириб олиш асосидагина вужудга келиши мумкин бўлган, барча учун тўлақонли, одамларга муносиб, чинакам инсоний ҳаёт тўғрисида гап кетганда, фалсафа ҳамма нарсадан ҳам зарурроқ бўлиб чиқади. Демак, истеъмомчиликдан иборат ҳаёт тарзи учун фалсафа талаб этилмайди. Аммо, инсоний ҳаёт тарзини фалсафасиз бунёд этиш мутлақо мумкин эмас.

Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистони ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила учун, уларнинг миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, баркамол ҳаёт кечириш шароитини муҳайё этишга бел боғлаган экан, бу ҳол фалсафа илмига бўлган эҳтиёжимизни бекиёс ўстирмаётirmi? Дарвоқе, жамиятдаги фалсафага бўлган муносабат, хоҳлаймизми ёки йўқми, бизнинг мақсадларимиз, йўлимиз қай даражада самимий эканлигини холисона кўрсатувчи ўзига хос бир мезондир. Зероки фалсафа табиат, жамият, инсон, тафаккур ва ҳоказолар каби мураккаб ҳодисалар тараққиётининг энг умумий қонунларн тўғрисидаги бирдан бир фандир. Табиий фанларга, улар орқали кишиларнинг табиатга ижобий таъсир этишларига барҳам берилса, табиатнинг ўзи ёввойилик даражасига тушиб қоладигандек, жамият ҳам ундан кам бўлмаган даражада, унинг ички қонунларини билиб, ўзига таъсир этилишига эҳтиёж ҳис этади. Хусусан, чинакам инсоний жамият тўғрисида гап кетганда, бу ерда фолбинликка сира ўрин йўқ.

Фалсафа илми куруқ гапга ёки безакка айлантираб қўйилган, ҳаёт билан ҳамнафас бўлолмаган кечаги кунимиз сабоқларидан хулосалар чиқаришимиз ҳамда уларни қайтадан такрорламасликка ҳаракат қилмоғимиз зарур. Фалсафа фанлик қиёфасини йўқотса, у сафсатага айланишини кўрдик.

Аммо бунинг учун фалсафанинг фақат ўзи айбдор эмас. Бу унинг ғами, ғуссаси, ғурбати эди. Фалсафа ўзининг туб моҳиятини ифода этиши учун худди бошқа фанлар каби муайян шароитлар, яъни фалсафа илмига ижтимоий харидор зарур. Акс ҳолда, фалсафа касодга учрайди. Амалий муаммоларни фалсафа бевосита ҳал этмайди. Лекин, фалсафасиз бирон бир ижтимоий-амалий муаммони ҳам жиддий ҳал этиб бўлмайди.

Ижтимоий муаммоларнинг илдизигача фақат фалсафа ёрдамида, яъни у чинакам илмий бўлса етиб бориш мумкин. Илдизигача илғаб олинмаган нарсани эса, ҳеч қачон на яратиш мумкин ва на йўқотиш.

1985 йили қайта қуриш деб аталмиш жараён бошлангандан бери биз аянчли аҳволимизнинг асл сабабларини нималардан ахтармадик? Булар, менимча, асосан, қуйидагиларга олиб бориб тақалган эди: ичкиликбозлик, алкоголизм, меҳнатсиз даромадлар; муайян шахслар хатолари; коммунистик деб аталмиш мафкура, КПСС фаолняти ва кирдикорлари, диндорлик, даҳрийлик, «аҳмоқона» тарихимиз; жаҳон империализми; мактаб, оила; лоқайдлик; ижтимоий фанлар; мустақил эмаслигимиз; пахта яккаҳоқимлиги, серфарзандлик, тилимизнинг аҳволи; ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолиятсизлиги; жиноятчиликнинг кенг илдиз отганлиги, раҳбар идоралар фаолиятидаги қусурлар ва ҳоказолар.

Хўп, буларнинг ҳаммаси бор гаплар ҳам дейлик. Лекин буларнинг ўзларининг сабаблари нимада эди? Худди мана шу ерда фалсафа илмининг вазифаси бошланади. Фалсафа нафақат у, балки илмнинг бошқа соҳалари ҳам фақат ўтган, кечаги кунни қайд қилиш, қабул қилинган йўлни, сиёсий қарорларни шарҳлаш билан ўралашиб қолмасдан, уларни илмий таҳлил, эртанги куннинг истиқболини холисона башорат қилиш, тўғри йўналишни танлаб олиш учун замин яратмоғи лозим.

Аммо, фалсафа илми ўзининг асл вазифасини бажара олиши учун ижтимоий буюртмачи керак. Фалсафа илми худди ана шу буюртмачининг манфаатини ифодалайди, Мустабид тузум даврида фалсафа ким «ҳақини тўлаган» бўлса, шунинг хизматини қилди. Шу боис, у, асосан тўрачиликка таянган тизимнинг фалсафий ифодаси эди. Демократик тузум халқ оммасининг манфаатини ифодалашга таянади. Авваламбор, халқнинг ўзи ушбу тузумнинг соҳиби, таянчи, ҳимоячиси бўлиши даражасига кўтарилиши лозим.

Яъни халқ оқ билан қорани фарқлай биладиган, нима маъқулу, нима номаъқул эканлигини пайқай оладиган бўлиши керак. Акс ҳолда, у қуруқ

махмадонларнинг қўлида уларнинг ғараз ниятларини амалга оширувчи қурол бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Биз кўпинча халқни кўпчилик билан айнанлаштирамиз.

Албатта, халқ ҳамиша кўпчиликдан иборат. Лекин ҳар қандай кўпчилик халқ эмас. Халқни кўпчилик билан айнанлаштириб, ҳамиша уни ҳақ деймиз. Аммо халқ ҳақ бўлгандагина халқ эканлигига ёки халқ бўлгандагина унинг ҳақ эканлигига етарли эътибор бермаймиз. Зеро, ҳақ бўлмаган кўпчилик бу оломондир. Бу ҳақда шоиримиз Абдулла Орионовнинг ажойиб шеъри бор.

Халқни севиш унга мадҳиялар тўқишдан иборат эмас. Халқнинг камчиликларидан тезроқ қутулишига кимки кўпроқ ёрдам қилса, ўша унинг ҳақиқий дўстидир.

Халқнинг халқ бўлиши учун, албатта, тегишли моддий, ижтимоий, сиёсий заминлар керак. Ижтимоийлаштириш байроғи остида мулкдан бегоналашган халқ кўпроқ оддий бир аҳолига айланиб қолади. Муайян шаронда у ўзини оломон қиёфасида намоён этади. Оломон, кўп ҳолатларда, бузғунчилик ишларига мойилроқ бўлади. Чунки унинг йўқотадиган, асраб-авайлайдиган нарсаси йўқ. Мулксиз киши - илдизсиз дарахт, ичига ҳаво тўлдирилган бир пуфак. У шамол қаёққа эсса, ўша томонга кетади. У эрксиз ва муте. Ваҳоланки, манфаат, керак бўлса, ҳар қандай ҳақиқатдан ҳам, адолатдан ҳам таъсирчандир. Модомики, шундай экан, ҳамма гап, пировард натижада, жамиятдаги шахсий ҳамда умумий манфаатларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш заруратига бориб тақалади.

Буни, озми-кўпми, созлаб турувчи восита бизда аллақачон муомаладан чиқариб ташланган эди. Мен бозорни назарда тутмоқдаман. Чунки, у: - мулкнинг эгаси бўлишини, ишлаб чиқаришни самарали юритишни; илмий-техник равнақ ютуқларига таянишни; сифатли маҳсулот тайёрлашни; иш билан сўз бирлигини; хушмуомалалик, юксак ахлоқийликни; ўқимишлилик, уздабуронликни, юксак маданиятчилик ва ҳоказоларни тақозо этувчи кўп қиррали восита, умуминсоний қадриятдир. Шу кунда, бозор деганда, бировнинг «лабига учуқ тошса», бошқа бировнинг «оғзидан таноби

кочмоқда». Биз шуни англашимиз керакки, бозор иқтисодиёти - бу тарихий зарурат. Ҳамма гап унга қайси йўллар билан ўтишда.

Албатта, жамият бозор иқтисодиётисиз, давлат-юксак маънавиятсиз, илғор мафкурасиз ҳам яшашлари мумкин. Аммо, инсоний жамият, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди, ҳуқуқий давлат уларсиз сира ҳам шаклланмайдилар.

Мулк соҳиби бўлмиш инсонларгина уюшмоқнинг ҳам, оқ-қорани пайқаб олишнинг ҳам моддий заминига эга бўладилар. Фақат уюшган, ақл-заковатли омма халққа, яъни демократик давлат ҳокимиятининг фаол манбаига, унинг мустаҳкам таянчи ва талабчан назоратчисига айланиши мумкин. Бундай куч билан фақат фанга, биринчи галда, унинг ижтимоий гуманитар соҳаларига, жумладан, фалсафа илмига суяниб муносабат қилиш мумкин бўлади.

Мустақил Ўзбекистонда шундай бир вазият вужудга келмоқдаки, у мустақиллик фалсафасини яратиш фалсафанинг мустақиллигини таъминлаш билан ҳамоҳанг эканлигини тасдиқлаб турибди. Бу ўринда ҳар икки томон учун ҳам мутлақ мустақиллик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бирок миллатнинг, шахснинг эркин, озод ривожланиши учун мустақиллик зарур бўлганидек, ушбу мустақилликнинг назарий ифодачиси бўлмиш фалсафа илми учун ҳам унинг моҳиятига зид, ёт мафкуравий, сиёсий тазйиқдан қутулиш сув ҳамда ҳаводек керакдир. Аслида халқчил мафкура, сиёсат ҳамиша илмга таянган, яъни илмий бўлмоқлари лозим ва зинҳор аксинча эмас. Демак, фалсафа илмининг ижтимоий буюртмачиси, унинг биринчи харидори ва илҳомчиси Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, унинг истиқболли эҳтиёжларидир. Бу ишда ҳозиржавоблик, тезкорлик кўрсатиш Ўзбекистон файласуфлари илмий жамоасининг юксак илмий, ижодий ҳамда чуқур ватанпарварлик бурчидир.

“Ҳозир ҳар бир олим, айниқса жамиятшунос олим ўз илмий фаолиятини республика муаммоларига, ўз халқи ва бутун мамлакатимиз тақдирига муофиқлаштириши лозим”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 89 бет.

### 1.3. Ўзбекистон фалсафасининг тараққиёт йўналишлари.

Янгиланган фалсафа, замонавий ўзбек фалсафаси бизнинг буюк боболаримиз асарлари ва ютуқларининг тарихий бутун дунёвий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, айтилиши вақтда ўз миллий онги ва ғурурини улар амалга оширган ишлар орқига яширмаган ҳолда, шуни таъкидлай оладики, умуминсоний кадриятлар устиворлиги ҳеч бир алоҳида миллатга, ҳеч бир алоҳида жаҳон минтақасига, Шарққа ҳам Ғарбга ҳам, Шимол ва Жанубга ҳам қарашли ҳисобланмайди. Умуминсоний кадриятларни яратишда Шимол ҳам, Жануб ҳам, Шарқу Ғарб ҳам, яъни у ёки бу даражада дунёдаги барча халқлар ва миллатлар, шу жумладан ўзбеклар ҳам иштирок этганлар.

Шу боисдан, Ўзбекистоннинг тарихий тараққиётида мустақил цивилизациялашган давлат сифатидаги бўладиган кескин ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда маънавий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарурияти туфайли янгиланган фалсафий дунёқараш асосида унинг ўтмиши, ҳозирги куни ва истиқболи ҳусусидаги қуйидаги истакларни ва фикрларимни билдиришни лозим деб биламан-деб ёзади академик файласуф Саид Шермухаммедов<sup>1</sup>:

Биринчи истак. Халқимизнинг тарихий, адабий, илмий, маданий мероси асосан араб, форс ва эски ўзбек тилида яратилганлиги боис, у илгариде ва ҳозирда ҳам халқнинг жуда озчлик қисми ва қатлами учун тушунарли бўлиб келди. Мамлакатимиз мустақиллиш туфайли бизнинг юқорида номлари санаб ўтилган ватандошларимизнинг асарлари замонавий ўзбек тили ва ёзувида қайта нашр этиш имкониятлари яратилмоқда.

Шуни алоҳида қувонч ва қониқиш ҳисси билан таъкидлаш лозимки, бу жараён бошланди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси маънавий асосларини мустаҳкамлаш учун жуда зарур, халқнинг миллий ўзлигани англаш учун муҳим ишда бу соҳага қўл урган кимки бўлмасин жуда катта миннатдорчилик ва муваффақиятлар тилашга сазовордирлар. Истагимизнинг

---

<sup>1</sup> Шермухаммедов С. Фалсафа фанини янгиланишининг баъзи муаммолари. –Т.: Фан, 1994. 27 бет.

моҳияти шундан иборатки, у амалга оширилиш лозим бўлган катта, улкан жараённинг бошланиши бўлмоғи даркор ва уни жадал суръатлар билан янада самаралироқ давом эттириш зарурдур.

Иккинчи истак<sup>1</sup>. Бизнинг кузатишларимизча ўзбек олимлари, шоир ва мутафаккирларининг асарлари дунёнинг бошқа қисмларида жумладан Америка ва Оврупода деярли номаълум.

Ана шунинг учун ҳам бизнинг буюк бобокалонларимизнинг асарларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро тиллар тариқасида тан олинган: инглиз, француз, испан, немис, хитой ва рус тилларига таржима этиб нашр этиш муҳимдир. Албатта бу ишни муайян режа ва мақсадга йўналтирган ҳолда олиб борилиши лозим. Биз хатто, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қошида махсус шу масала билан шуғулланадиган муайян муассаса ташкил этилишини тавсия этар эдик.

Учинчи истак<sup>2</sup>. Бу истакни ҳалқимизнинг асил фарзанди, буюк файласуф олим Иброҳим Мўминович Мўминов туғилганига 85 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган Ўзбекистон Фанлар Академиясининг тантанали йиғилишида ҳам айтган эдим. Аммо масаланинг муҳимлигини назарда тутиб, такроран баён этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Бу ерда гап ўзбек адабиёти, санъати, фани, маданияти арбоблари, буюк вакиллари руйҳатини янги номлар билан бойитиш ҳақида бормоқда. Яъни: Ҳабиб Абдуллаев, Муҳаммаджон Ўрозбоев, Иброҳим Мўминов каби академик олимларимиз ва Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, Фафур Гулом, Ойбек каби ёзувчилар ва шоирлар.

Тўртинчи истак<sup>3</sup>. Ўзбек халқи ўз маданий бойликлари билан жаҳон маданий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшганлиги эътироф этилган. Ўзбек халқининг маданий меросини чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш ва кенг ёритиш - керакли, зарурий, фойдали ва шарт бўлган ишлардандир. Аммо худди шунчалик керали, зарурий бебаҳо ва фойдали ишлардан яна бири,

---

<sup>1</sup> Шермухамедов С. Фалсафа фанини янгиланишининг баъзи муаммолари. –Т.: Фан, 1994. 28 бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 28 бет.

<sup>3</sup> Ўша асар, 29 бет.



бизнингча, маданий бойликларни ошириб ва янада бойитиб боришдан иборат. Бусиз бизнинг замонавий цивилизация тизимига кириб боришимиз мушкул бўлади ва унда ўзимизга яраша фахрли ўрин тута олмаймиз. Бу ҳақиқатни биз ҳеч қачон унитмаслигимиз лозим.

Жаҳон цивилизациясига кириб бориш ва унинг тизимида ривожланиш, халқлар ва элатларнинг маънавий бойликларини эгалламай туриб, яъни миллий маданиятларни ривожлантирмай ва яқинлаштирмай туриб амалга оширилмоғи мумкин эмас. Умуминсоний қадриятлар ҳақида гапирганда, кўпинча миллий маданиятларнинг ўзаро ҳамкорлик турлари ва шакларининг ўзи умуминсоний қадриятлар эканлигини унитиб қўядилар. Ваҳоланки, шуларсиз миллий маданиятларнинг гуллаб-яшнаши ва яқинлашиши, бутун дунё цивилизацияси эса жамият ва улар маданиятларининг яхлит бир хусусияти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг қабул қилиниши ҳамда ўзбек тилига расмий равишда Давлат тили мақоми берилиши жуда буюк ижтимоий-сиёсий ва маданий-тарихий ғалаба бўлди. Шу билан бирга Давлат тили ҳақидаги Қонунда ва Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунида, яъни Конституцияда, мамлакатимизда яшовчи халқларнинг барча тилларининг, шу жумладан рус тилининг ривожланиш ва қўлланиш имкониятларига кафолат берилган.

Мулоҳазаларимизни яқунлай туриб қуйидаги асосий хулосаларга келиш мумкин<sup>1</sup>:

1. СССР тарқалиб кетган сўнг ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ташкил топгандан кейин жаҳондаги ижтимоий-сиёсий шароит тубдан ўзгариб кетди. Икки тузум-социализм ва капитализм ўртасидаги кураш барҳам топди. Энди мутлақо янги ижтимоий-сиёсий тартиб юзага кела бошладики, у жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга мутлақо қатъий янгича ёндашиш ва янгича қарашларни тақоза этади. Булар барчаси, аввалги

---

<sup>1</sup> Шермухамедов С. Фалсафа фанини янгиланишининг баъзи муаммолари. –Т.: Фан, 1994. 32 бет.

назария, дунёқарашлар эскириб қолганлигидан дарак беради. Улар янгича ёндашиш, янгича нигоҳ, янгича дунёқараш ва янги фалсафани талаб этади. Мана худди шунинг учун ҳам бу йилларда таркиб топган объектив воқеаликнинг ўзи фалсафани айниқса ижтимоий фалсафани янгилашни талаб қилади.

2.Фалсафани янгилаш жараёнида жуда эҳтиёткорлик билан ва қатъийлик билан жамиятимизнинг эҳтиёжларидан келиб чиқишга тўғри келади ва бунда бир ёқламаликдан сақланиш талаб этилади.

3.Фалсафани янгилаш, ижтимоий фалсафани ўзгартириш тўғрисида гап борар экан, бизнинг файласуфларимиз ўз диққатларини қуйидагиларга қаратишларига тўғри келади:

а) мустақил Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш;

б) жуда ҳам бой адабий, илмий-тарихий ва маданий меросимизни чуқур, ҳар томонлама ва танқидий равишда ўрганиш ва эгаллаб олиш ҳамда унинг жаҳон маданий тараққиётидаги ўрнини белгилаш.

4.Маънавий маданиятнинг ривожланишида миллий ва умуминсоний кадриятларни чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш Ўзбекистон Республикаси файласуфларининг алоҳида диққат-эътиборларига сазовор бўлиши лозим.

5. Ўзбекистон Республикаси файласуфларининг барча тадқиқотларидаги асосий ғоя бу барча нарсаларнинг меъзони сифатида - Инсон, унинг манфаатлари, унинг тақдири, ривожланиш истиқболлари бўлмоғи даркор.

6.Хуқуқшунослар билан ҳамкорликда янгича хуқуқий давлатни барпо этиш йўлини кўрсатиши ва унинг ҳақиқий табиатини очиб бериш лозим.

7.Диннинг инсон ҳаёти ва жамиятда тутган ўрнини, аниқ ва холисанилло, турли чекинишларга йўл қўймай белгилаб беришни биз энг жиддий ва олижаноб масалалардан бири деб биламиз.

8.Иқтисодчилар билан ҳамкорликда турли мулк шаклларини чуқур, батафсил ва фундаментал тарзда тадқиқ этилиши ва мулк шаклларини Республикамизда қурилаётган истиқболдаги жамият ҳаётидаги ўрнини

аниқлаб беришни биз файласуфларимизнинг энг зарурий ва долзарб муаммоларидан деб ҳисоблаймиз.

9. Яқин ўтмишда, яъни собиқ Иттифоқ мавжудлигида иқтисодиётимизда содир бўлган ҳолат - боқимандалик ҳолати минг афсуслар бўлсинки, бизнинг илмий фаолиятимизга ҳам кириб келган эди. Биз ҳар доим марказдаги файласуфларнинг оғзига қараб ва улар айтганларини дастурул амал қилиб, тўти қушдек қайтарар эдик. Эндиликда эса фалсафа фани янгиланишининг муҳим жиҳатларидан бири бундай ҳолатларга чек қўйиш, боқимандалик касалидан фориғ бўлмоғи даркор. Шу нуқтаи назардан янги мафкура - мустақил Ўзбекистон Республикасининг мафкурасини ишлаб чиқишга ўз ҳиссасини қўшиш, бу Ўзбекистон Республикаси файласуфларининг фуқаролик бурчлари ҳисобланади.

10. Жаҳон фалсафий тафаккури асосида ўз фалсафий муаммоларини ишлаб чиқиш файласуфларимиз фаолиятининг зарурий тамойилларидандир.

11. Ўзбек, қозоқ, тожик, туркман ва қирғиз халқларининг умумий тарихий тақдирдан келиб чиққан ҳолда шу минтақа олимлари, файласуфлари билан ҳамкорликда Марказий Осиё халқлари фалсафаси ва ижтимоий сиёсий тафаккури тарихи бўйича фундаментал асар яратиш фалсафа фанимизнинг биринчи навбатдаги вазифаларидан бўлмоғи керак.

12. Марказий Осиёда вужудга келган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазият шу минтақадага файласуфларнинг куч ва имкониятларини бирлаштирган ҳолда ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик халқларининг иқтисод, фан, техника ва маданиятлари интеграцияси йўлларини ишлаб чиқиш ва фундаментал тадқиқ этишни, шу тариқа ягона ижтимоий-иқтисодий маконни ташкил этишни тақозо этади.

13. Бошқа фан соҳаларидаги олимлар билан ҳамкорликда иқтисод, фан, техника ва маданиятнинг истиқболдаги ривожланишини ишлаб чиқиш Республикамиз файласуфларининг навбатдаги вазифаларидандир.

14. Ўзбекистон Республикаси файласуфларининг олдида турган масалалардан яна бири - табиий, тарихий, урф-одат ва миллий анъаналар

билан боғлиқ конкрет ва реал шарт-шароит ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизимининг аниқ ва равшан мақсадларини очиқ беришдир.

15.Мантиқан қараганда фалсафа фанининг тутган ўрни ва аҳамияти ўзига нисбатан ниҳоятда қатъий диққат-эътиборни талаб этади. Янгиланган фалсафа фанининг мустақил фан сифатидаги ижтимоий-сиёсий мақоми ва ижодий куч-қудрати асосан шу тариқа қарор топиши керак.

Ана шулардан келиб чиқиб, ўз қарамоғида олий ўқув юртлари бўлган Вазирликлар ва Маҳкамалар, шунингдек, олий ўқув юртларининг раҳбарлари бизнинг фикримизча, ижтимоий фанларга нисбатан, шунингдек фалсафа фанига нисбатан ҳозирги пайтдаги шаклланган муносабатларни жиддий ва қайта кўриб чиқишларини зарур деб биламиз. Бунга ишончимиз комилдир. Умуман хулоса қилиб, шу нарсани чуқур мамнуният ҳис-туйғулар ила айтиш мумкинки, бизнинг республикамизда юқорида баён қилиган файласуфлар олдида кўндаланг турган фалсафа фанини янгилаш борасидаги мураккаб илмий-назарий муаммоларини ечиш ва қўйилган вазифаларини муваффақиятли бажариш учун реал имконият ва шароитлар яратилгандир. Биринчидан, бунинг учун ижтимоий-сиёсий муҳит мавжуд. Иккинчидан, изланувчан истеъдодли, тажрибали ёш, ўрта ва кекса авлодлардан иборат қатта илмий куч-қуввага эга. Яъни фалсафа фанлари номзодлари, докторлари етиб чиқиши туфайли улкан файласуфлар армиясига эгамиз.

Аниқроғи мустақил Республикамизда фалсафа фанини янгилаш жумҳуриятимиздаги барча файласуфларнинг шу кеча-кундуздаги энг муҳим, энг долзарб, энг шарафли бурчидир.

## II-БОБ. ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИНИНГ ХХІ АСР БЎСАҒАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

### 2.1. Ўзбек фалсафасининг етук намоёндалари фаолияти.

#### Иброҳим Мўминов

Юртимизда “донишманд”, “аллома”, “устод”, “домла”, “пир”, “комусшунос”, “алломайи даврон”, “дарёйи азим”, “гегельшунос”, “темуршунос”, “бедилшунос”, “шарқшунос” каби шарафли номлар билан аталувчи улуғ файласуф олим фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, Ўзбекистон “Билим” жамияти бошқаруви раиси, «Ўзбек шўро Энциклопедияси» ва «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналининг бош муҳаррири, давлат ва жамоат арбоби, “Буюк хизматлари учун” орденининг нишондори Иброҳим Мўминов эди.

Академик, Ўзбекистон Фанлар академиясининг собиқ президенти Обид Содиқов унинг ҳаёт ва фаолияти тўғрисида тўхталар экан: «Иброҳим Мўминов чўпонликдан йирик шўро файласуф олими, фаннинг йирик ташкилотчиси, давлат ва жамоат арбобигача бўлган мураккаб ва оғир йўлни босиб ўтди»- деб ёзади<sup>1</sup>.

Иброҳим Мўминов 1908 йил 7 сентябрда Бухоро музофотининг Шофиркон туманидаги Тезгузар қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келади. 1922-1927 йилларда бошланғич мактабда, сўнг Бухоро Маориф институтида ўқийди. Шу институт йўлланмаси билан 1928 йил Самарқанд Олий Педагогика институтига ўқишга киради. Бироз ўтмай бу институт Самарқанд Педагогика академиясига айлантирилади. 1931 йил у Самарқанд Педагогика академиясининг ижтимоий-иқтисодий факультетини аъло баҳоларга

---

<sup>1</sup> Мўминов И.М. Танланган асарлар. Уч томлик. I том. –Т.: Фан, 1969. 7 бет.

тамомлаб, шу академияда ўқитувчилик лавозимига ишига олиб қолинади. 1933 йил шу академия базасида Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ташкил қилинади. Иброҳим Мўминов университетда аввал филология, кейинчалик тарих факультетларининг декани лавозимида ишлайди, ижтимоий кафедрга мудирлик қилади.

Иброҳим Мўминов ёшлигидан тарих, ижтимоий фанлар. Айниқса фалсафа илмига қизиқди, шу соҳада мақола, рисолалар ёзди ва илмий тадқиқот ишлари олиб борди.

“Фалсафа - бепоён олам. ...фалсафа илми ҳудудий, миллий, минтақавий хусусиятларга эга бўлиши билан бирга, умумжаҳон мезонлари, қонуниятлари, тарихийлик аломатларини ҳам ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам Иброҳим Мўминов халқимиз фалсафий тафаккури кадриятларини тўғри баҳолаш мақсадида қадимги юнон, Европа, айниқса. Гегель фалсафасини ўрганмоқ зарур, деган қарорга келади”-деб ёзади домланинг шогирди, фалсафа фанлари доктори, профессор Н.Ғойибов<sup>1</sup>.

Иброҳим Мўминов фалсафа илмини ўрганиш жараёнида бир қатор илмий тадқиқот ишларини ҳам амалга оширди. У 1941 йил ўзбеклар орасида биринчилардан бўлиб “Гегель диалектикасининг рационал мағзи” мавзусида номзодлик илмий ишини ҳимоя қилди. 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил қилинади. Унинг таъсис мажлисидаёқ Иброҳим Мўминов академиянинг мухбир аъзоси қилиб сайланади. 1946 йил Самарқандда “Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари” монографияси рус тилида босилиб чиқди. 1950 йилда “XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти тарихидан” деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. У 50-йиллар бошларида СамДУда ижтимоий кафедрга раҳбарлик қилди. Бу кафедра Республикада фалсафа йўналишида мутахассислар тайёрлашда асосий марказлардан бири бўлиб қолади. Иброҳим Мўминов 1955 йил Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти директорлигига тайинланади. 1956 йил Иброҳим

---

<sup>1</sup> Ғойибов Н. Донишманд. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 10 бет.

Мўминов Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги ва вице-президенти қилиб сайланади. То умрининг охиригача 18 йил давомида вице-президентлик лавозимида фаолият кўрсатди. 1957 йил ташкил қилинган “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналининг ташаббускори ва бош муҳаррири. 1958 йил Ўзбекистон Фанлар академияси қошида Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этилади ва унинг раҳбарлиги Иброҳим Мўминовга топширилади. Ҳа йилдан Ўзбекистон “Билим” жамиятига бошчилик қилиб келди. 1963 йилдан бошлаб, 11 йил давомида Ўзбекистон Олий Кенгаши Ташқи ишлар бўйича доимий комиссиясининг раиси сифатда фаолият кўрсатди. 1967 йил унинг раҳбарлигида нашр этилган уч томлик “Ўзбекистон ишчилар синфи тарихи” китоби Беруний номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. Шу йили ҳукумат Ўзбек Шўро Энциклопедиясини нашр этиш ҳақида қарор қабул қилди. Энциклопедиянинг бош муҳаррири қилиб Иброҳим Мўминов тайинланди. Унинг раҳбарлигида 14 томлик қомуснинг дастлабки беш жилди нашр этилди ва 4 томи нашрга тайёрланди. Домла Иброҳим Мўминовнинг ҳаёти, фаолияти ва ижоди шунчалик серқирраки, унинг саноғига етиш мушкул. Халқимизнинг ҳикматли бир гапи бор “Тоғдан қанчалик узоқлашсанг, унинг салобати, улканлиги, кўрки шунчалик яққолроқ кўринади”<sup>1</sup>. Ушбу ҳикматни домла Иброҳим Мўминовга нисбатан муқояса қилиш мумкин. У том маънода илм, дониш, ирфон, зиё тоғи эди. Буни биз домланинг ўғил ва неvara шогирдлар, авлодлар бугун мустақилликка қадам қўйганлигимизга 20 йил тўлган бир пайтда мушоҳада қиляпмиз. Домла Иброҳим Мўминов ХХ асрда ўз фалсафий мактабига асос солган, “...энг буюк жасорат-...маънавий жасорат”<sup>2</sup> кўрсатган халқимизнинг беназир буюк фарзандларидан бири. Устод Иброҳим Мўминовнинг маънавий шогирдларидан бири, адабий танқидчи Ғайбуллоҳ ас-Салом ўз хотираларида “Бизнинг жаноби академикни кўпчиллик ҳеч қандай «вич-пичсиз» –Домла деб атарди. Рост-да. Ҳақиқий устод учун

<sup>1</sup> Ғойибов Н. Донишманд. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 5 бет.

<sup>2</sup> Каримов И.К. Юсак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 159 бет.

такаллуф на даркор. Академия сарҳадида барча ёшу-қари домла деганда ўзга кимни эмас, яқкаш Иброҳим Домланини тушунишарди. Инсон учун бундай эъозланиш қандай катта бахт-а! Ҳеч ким “Қайси домла?” демасди. Ким бўларди, ие, шу ўзимизнинг Домламиз-да, деб фахрланишарди. Ғалат: ўрис ва бошқа ғайримиллат кишилари ҳам шундай мурожаат қилишарди. – Домла.” деб фахланиб эслади<sup>1</sup>.

Домланинг ҳаёти ва фаолияти, шўро даврида кўрсатган маънавий жасорати ўнлаб, юзлаб монографияларга мавзу бўларлик. Ақалли ҳали ҳам домланинг тўла асарлар тўплами нашр юзини кўрган эмас. Домла ҳаётлигида 1969-1972 йиллар уч жилдлик танланган асарлар тўплами чоп этилган эди. Вафотидан сўнг эса, 1976-1977 йилларда “Ўзбекистон” нашриёти чоп этган тўрт жилдлик танланган асарлар тўплами 80 босма тобоқдан иборат бўлиб, унда акс этирилган тадқиқотларнинг сони 165 тани ташкил этиб, ундан 20 таси монографиялар, китоблар, 42 таси тўпламлар ва китобларга бўлим ёки қисм бўлиб кирган ишлар, 19 таси рисоалар, қолганлари журнал ва газеталарда эълон қилинган мақолалардан иборат эди холос<sup>2</sup>.

Биз ушбу мақоламизда домланинг биргина фаолият қирраси, унинг фалсафий мактабининг айрим жиҳатлари тўғрисида тўхталмоқчимиз холос.

“Ўзбекистонда фалсафий фикр тараққиётида Иброҳим Мўмин мактаби қарор топгани маълум. Бу мактабнинг асосий тамойиллари: ахлоқий поклик, мантиқий изчиллик, миллий теранлик ва даврий кўламдорлик”–деб мушоҳада қилади Ғайбуллоҳ ас-Салом<sup>3</sup>.

Домланинг фалсафий мактабга асос солганлигини қуйидаги жиҳатлар бир қадар асослаб беради:

- ҳар қандай илмий мактабни асоси, маркази бўлиши лозим. Масалан бу Аристотель фалсафий мактабида Ликкей мактаби, рус илмий мактабида Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Улуғбек илмий мактабида Улуғбек расадхонаси, Иброҳим Мўминов фалсафий мактабида эса

<sup>1</sup> Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эзгуликка чоғлан, одамзод. –Т.: Шарқ, 1997. 251 бет.

<sup>2</sup> Ғойибов Н. Донишманд. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 27 бет.

<sup>3</sup> Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эзгуликка чоғлан, одамзод. –Т.: Шарқ, 1997. 242 бет.



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. Домла бевосита шу илмий даргоҳнинг ташкилотчиси ва биринчи раҳбари эдилар. Гарчи, домланинг мактаб яратиш ғоялари Самарқандда ишлаб юрган кезларида бошланган бўлсада, асосий иш домлани Тошкентдаги фаолиятида бошланди. 1956 йил Тарих ва археология институти таркибида фалсафа сектори тузилди. 1957 йил шу институтнинг фалсафа ва ҳуқуқ секторлари асосида фалсафа ва ҳуқуқ бўлими очилди. Шу бўлим базасида 1958 йил Ўзбекистон ҳукуматининг 1 май қарори билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Фалсафа ва ҳуқуқ институти очилди;

-ҳар қандай мактабда таълим берилади, бир қатор қўлланма ва дарсликлар ўрганилади. Буни чуқур англаган домла бу масалани ҳал этишга чоғланган эди. 1958 йилда “Диалектик материализм масалалар”, 1962 йилда “Тарихий материализм масалалари”, 1964 йилда “Илмий атеизм асослари”, 1967 йилда “Марксча-ленинча этика асослари”, 1968 йилда “Марксча-ленинча философия асослари” дарсликлари унинг бевосита раҳбарлигида чоп этилди. Бу асарлар то мустақиллик йилларигача бир неча марта қайта нашр этилиб, фалсафа йўналишида асосий дарслик ва қўлланмалар сифатида фойдаланиб келинди;

-ҳар бир мактабни ўқувчилар бўлади. Иброҳим Мўминов мактабини ўқувчилари бўлажак академиклар: Музаффар Хайруллаев, Эркин Юсупов, Мубин Баратов, Саид Шермухамедов, Абулҳай Валиев, Ҳайдар Пўлатовлар, бўлажак профессорлар: Омонулло Файзуллаев, Ҳамид Воҳидов, Абдурахмон Ортиқов, Наим Ғойибов, Анвар Шарипов ва бошқалар бор эди. Улар домла бошлаган ишларни энига ва бўйига кенгайтирдиларки, бу илм тоғи ва тоғ тизмаси кўкка бўй чўзиб, уни дунё илм аҳли тан ола бошлади. Айни пайтда Ўзбекистонда 3000 дан ортиқ ва қардош республикалардаги домланинг минглаб ўғил ва неvara шогирдлари фаолият кўрсатаётibdики, улар шу мактаб ўқувчилари бўлганликларидан фахрланишадилар.

Домлани илмий фолияти ва мактаби тўғрисида умумий хулоса чиқарар экан, профессор Н.Ғойбов ўзининг “Донишманд” рисоласида қуйидаги якуний муҳим илмий хулосаларни чиқаради<sup>1</sup>:

-Марказий Осиёда фалсафий тафаккур тарихи халқимизнинг умумий тарихи билан чамбарчас боғлиқликда диалектик алоқада ривожланиб келди; у жаҳон фалсафаси тарихий тараққиётининг ажралмас ва мазмунан бой қисмидир;

-Марказий Осиё фалсафаси ҳозирги замон фалсафасининг асосий илмий-назарий йўналишларидан бири ҳисобланган инсон мавзусига қадим замонлардаёқ фалсафий муаммо сифатида эътибор қаратди ва ривожлантирди; инсон ахлоқи, ахлоқнинг ижтимоий моҳияти айниқса чуқурроқ таҳлил этилди;

-ижтимоий-фалсафий ғоялар бирмунча ривожлантирилди; одил жамият, одил ҳукмдор ғоялари дадил тарғиб қилинди;

-Марказий Осиё фалсафасида билиш жараёни ўзига хос усулларда таҳлил этилди; сезгилар воситасида билиш, ақлий билиш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалаларига муҳим аҳамият берилди;

-Марказий Осиё фалсафаси оддий диалектиканинг ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшди. Бу ўринда сонлар назарияси, инсон танаси ҳаётий фаолиятининг, шунингдек, моддий борлиқдаги, жумладан, фазодаги барча предметларнинг ҳаракатлари қонуниятлари ҳақидаги таълимотлар муҳим аҳамиятга эгадир;

-пантеизм таълимотининг шарқона йўналишлари (вахдати вужуд, вахдати мавжуд) фалсафий илмлар тараққиётига ўз хиссасини қўшди;

-Марказий Осиё фалсафаси тараққиётида тасаввуф таълимоти (тасаввуф фалсафаси) ғоялари ўзига хос аҳамиятга эга;

-Марказий Осиё фалсафий фикрлар тараққиёти юқоридаги хусусиятлари билан жаҳон фалсафаси тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшди;

---

<sup>1</sup> Ғойбов Н. Донишманд. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 36-37 бетлар.

Домла Иброҳим Мўминовнинг мазмунли ва самарали ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида бизнингча қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин;

-домла ўз фалсафий мактабига асос солган инсон. Бу мактабни “Иброҳим Мўминов фалсафий мактаби” ёки “Ўзбек миллий фалсафа мактаби” дейиш мумкин;

-домла асос солган “Ўзбек миллий фалсафа мактаби” жаҳон фалсафаси тарихида алоҳида ўрин ва мавқега эга бўлган, юнон, рим, хитой, ҳинд, немис, рус фалсафий мактаблари билан бир қаторда турадиган мактабдир;

-домла Иброҳим Мўминов фалсафий мактаби вакиллари айна пайтда аждодлар анъанасига содиқ қолган ҳолда, XXI асрда ҳам Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Бобур, Бедил, Машраб, Иброҳим Мўминов анъаналарини давом эттирмоқдалар;

-домла Иброҳим Мўминов нафақат Марказий Осиё, балки инсоният тарихида ҳам “...энг буюк жасорат-...маънавий жасорат” кўрсатган башар фарзандларидан биридир. Буни биз домлани Амир Темури номига тиклаш жараёнидаги фаолиятида кўришимиз мумкин;

-домла Иброҳим Мўминов донишмандлар юрти Мовароуннаҳр, Марказий Осиё, Туркистон ўлкасининг фарзанди, буюк бухорийлар: Имом Бухорий, Ҳафзи Кабир Бухорий, Ибн Сино, Исмоил Сомоний, Абу Бакр Наршахий, Абдулҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Дониш, Фитрат, Садриддин Айнийларнинг издоши, уларнинг типик намоёнрасидир;

-Иброҳим Мўминов нафақат Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизими, ўзбек халқи, Ўзбекистон учун, балки, қолаверса қардош Марказий Осиё халқлари учун ҳам том маънодаги Домладир.

-домла Иброҳим Мўминов ўз ҳаётининг асосий шиорларидан бири “Темури яшаш ва ишлаш” ҳикмати бўлган. Бу ва алломанинг бошқа пурҳикмат ўғитлари биз авлодларнинг ҳар биримиз учун ибрат, сабоқ ва илмий мактабдир;

- домла Иброҳим Мўминов илмий мероси ва у асос солган мактаб минг йиллар фаолият кўрсатажакки, оддий миллат фидоийси ва фарзанди учун бундан катта бахт йўқ.

Ўзбек халқининг домлаи даврони Иброҳим Мўминов жисмонан бу оламдан ўтган бўлса-да унинг асарлари, ғоялари ва таълимоти халқимиз калбида ва тафаккурида асрлар оша яшайверади.

### **Мубин Баратов**

Баратов Мубин (1933.9.12. Нурота ш.) - файласуф олим. Ўзбекистон ФА академиги (2000), фалсафа фанлари доктори (1972), профессор (1973). Ўрта Осиё давлат университетининг шарқшунослик факультетини тугатган (1956). 1959-1975 йилларда Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтида ишлаган 1970-1975 йилларда директор, умрининг охириги йилларида хорижий шарқ фалсафаси бўлими мудир. Ўзбек энциклопедияси Бош муҳаррири (1975-1976). Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти директори (1976-1980). ТошДУ ҳузуридаги Олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш институти директори (1980-1993). 1993 йилдан Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтида бўлим мудир. Илмий фаолияти Ўрта Осиё ва хорижий шарқ халқлари фалсафаси тарихига бағишланган. Унинг “Хорижий шарқ халқлари илғор ижтимоий-фалсафий фикрлари очерклари” (монография), -Т., 1971; ва “Ҳиндистонда ижтимоий фикрлар” (ҳаммуаллифликда), -Т., 1973. асарлари машхур. Устоз Мубинжон Баратов 2003 йил Тошкент шаҳрида вафот этган.

### **Музаффар Хайруллаев**

Таниқли файласуф олим, академик Музаффар Хайруллаев<sup>1</sup> XX асрда академик Иброҳим Мўминов асос солган миллий ўзбек фалсафа мактабининг ёрқин вакили эди. Унинг илмий мероси ранг - баранг ва серқирра бўлиб, миллий фалсафамиз тарихида алоҳида ўрин ва аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Академик М.М.Хайруллаевнинг илмий мероси ва фалсафа фанларининг долзарб масалалари мавзусида илмий-назарий семинар материаллари. –Т.: 1-китоб, ЎЗР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011. 36-38 бетлар.

Илмни денгизга менгазишади одатда. Илм денгиз каби улкан ва чексиз. Денгизга кириб келиш йўллари ҳам турли-туман. Фалсафа илми ҳам илм денгизига қуйиладиган улкан бир дарё. Илм шайдолари денгиз ёки дарё сувларида чўмилиб баҳра олишадилар. Музаффар Муҳиддиновичнинг “фалсафа дарёсига” кириб келиши ҳам ўзига хос бўлиб, бу жараён устоз Иброҳим Мўминов кўмаги ва маслагида амалга ошган.

“... мен Иброҳим Мўминов билан 1952 йил аспирантурада танишдим ва шундан бошлаб умрларининг сўнгигача (1974 йилгача 22 йил.) бу ажойиб меҳрибон инсон ва ҳақиқий ватанпарвар, миллатпарвар олим раҳбарлигида ва у киши билан ҳамкорликда хизмат қилдим”<sup>1</sup> –деб эслайди М.Хайруллаев устози И.Мўминов тўғрисидаги хотираларида.

Буюклар ўнгирини тутиш шарқона урфлардандир. Музаффар Муҳиддинович ҳам ёш шарқшунос сифатида бу ақидага амал қилган ҳолда аввал Иброҳим Мўминовнинг кейин эса ғойибона Абу Наср Форобийнинг этагидан тутди. Натижада миллий фалсафамизнинг забардаст ва салобатли қоясига айланди.

Буюк файласуф олим Музаффар Хайруллаев илмий фаолиятининг бир неча қирраларини қайд этиб ўтиш мумкин:

-биринчидан, шарқшунос Музаффар Хайруллаев фалсафа илмига унинг энг машаққатли соҳаси бўлган мантиқ илми орқали кириб келди. У 24 ёшида “Диалектик материализм мантиқий қонунларининг объектив характери ҳақида” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу йўналиш кейинчалик уни Ўзбекистонда илк мантиқшунос олимлардан бирига айлантирди. 1986 йил М.Ҳақбердиев билан ҳаммуалифликда “Ўқитувчи” нашриётида “Логика” ўқув қўлланмасини чоп этилишига олиб келди. Бу китоб мустақиллик йилларида “Мантиқ” номи билан қайта нашр этилиб, ҳозиргача олий ўқув юртларида мантиқ фанидан асосий ўқув қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда.

---

<sup>1</sup> Хайруллаев М.М. Миллий маънавиятимизнинг улкан жонкуяри. Академик Иброҳим Мўминов (Мақолалар ва хотиралар). –Т.: 1993. 28-29 бетлар.

-иккинчидан, Музаффар Хайруллаев Ўзбекистонда форобийшуносликка асос солган олимдир. “1956 йилнинг ўрталарида Иброҳим Мўминов чет эл матбуотида нашр этилган Форобий ҳақидаги 6 бетлик кичик мақола билан танишиб чиқишни топширдилар. Бу мақола мени ўзига жалб этди ва сўнгги илмий изланишларимни белгилаб олишда ҳал қилувчи роль ўйнади”<sup>1</sup> - деб хотирлаб ёзади файласуф Музаффар Хайруллаевнинг ўзлари. У 1966 йили 35 ёшида Иброҳим Мўминов раҳбарлигида “Форобий дунёқараши ва унинг фалсафа тарихидаги аҳамияти” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлайди.

-учинчидан, Музаффар Хайруллаев юртимизда Марказий Осиё уйғониш даврини ўрганган дастлабки файласуф олимдир. У А.Меъ, Ш.Нуцубидзе, В.Чалоян, И.Филиштинский, И.Брагинский, В.Никитина, И.Бородина, Н.Конрад каби уйғониш даври тадқиқотчилари каби Ўрта Осиё уйғониш даври ёки Марказий Осиё уйғониш даври<sup>2</sup> ўрганди ва илмий асослаб берди.

-тўртинчидан, Музаффар Хайруллаев Марказий Осиё маданияти тарихини<sup>3</sup> тадқиқ этган олимдир. Унинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги фаолияти ва раҳбарлик даври асосан маданият тарихи масалаларини тадқиқ этишга қаратилди.

-бешинчидан, Музаффар Хайруллаев Марказий Осиё алломаларининг ҳаёти ва илмий фаолиятини тадқиқотчисидир. У киши фақат Абу Наср Форобий ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш билан чекланмади, балки унинг раҳбарлигида мустақиллик йилларида чоп этилган, уч китобдан иборат “Буюк сиймолар ва алломалар” (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар) (1995-1997 йиллар) тўпламида илк бор 82 та мутафаккирларимиз фаолияти хронологик тадқиқ этилди. Бу китоб 2000 йил “Маънавият юлдузлари” номи билан ягона китоб ҳолида қайта нашр этилди.

---

<sup>1</sup> Хайруллаев М.М. Миллий маънавиятимизнинг улкан жонқуяри. Академик Иброҳим Мўминов (Мақолалар ва хотиралар). –Т.: 1993. 28 бет.

<sup>2</sup> Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. –Т.: Ўзбекистон, 1971.

<sup>3</sup> Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. –Т.: Фан, 1994.

-олтинчидан, Музаффар Хайруллаевнинг таржимонлик фаолиятини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бевосита домланинг таржимасида Абу Наср Форобийнинг бир неча асарлари: “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт-саодатга эришув ҳақида” рисола, “Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш керак”, “Фалсафани мазмуни ҳақида сўз” ва бошқа асарлари илк бор ўзбек тилига таржима қилиниб ўқувчилар оммаси эътиборига етказилди.

-еттинчидан, Музаффар Хайруллаев Иброҳим Мўминов асос солган ўзбек фалсафа мактабининг неvara вакиллари, айти пайтда замонавий фалсафамизнинг фалсафа тарихи йўналишининг етук вакиллари: Ҳайдар Алиқулов, Миржалол Усмонов, Абдурахим Абдурасулов, Элеонора Бобоева, Муҳаммаджон Қодиров, Абдуқодир Зоҳидов, каби олимларни тарбиялаб, етиштирган раҳбар устоздир.

Академик Музаффар Хайруллаев ўзининг машҳур “Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири” асарида: “Уйғониш даври мутафаккирларининг ва умуман, маънавий маданиятдаги характерли хусусиятлардан бири қомусийликка, универсалликка интилиш, бирданига бир неча илм билан шуғулланиш бўлди”-деб ёзганидек, ўзи ҳам қомусийликка, универсалликка интилди. Ундаги бу илм-маърифатга ва зиёга бўлган талпиниш уни ўзбек фалсафий билимлар тизими тарихида: шарқшунос, мантиқшунос, форобийшунос, маданиятшунос, мутафаккиршунос, таржимон, медевиист олимга айланганди ва ўзбек фалсафа илм тоғининг чўққиси бўлган академик Иброҳим Мўминов ёнидаги миллий фалсафамизнинг сервуқор ва серқирра илм қояси сифатида тарихда қолди.

### **Жондор Туленов**

Ҳозирги кунда жамиятимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларида муҳим ўзгаришлар содир этмоқда. Бу ижобий ўзгаришлар ва ислоҳотлар туфайли фалсафа илмини мустабит тузим сарқитларидан ҳолис қилиш, янгилаш ва янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райхон Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, фалсафа фанлари доктори, профессор Жондор Туленович Туленов<sup>1</sup> домланинг мамлакат илм-фан тараққиёти ҳамда ёш педагог кадрларни тайёрлашдаги хизматлари ниҳоятта катта бўлганликлари туфайли, бугунги кунда ТДПУ Илмий кенгаши қарорига мувофиқ ТДПУ "Фалсафа" кафедрасига "Академик Ж.Туленов" номи берилган ҳамда тарих факультетида "Академик Ж.Туленов" номидаги стипендия жорий этилган.

Халқимизда инсон фаолиятига баҳо берилар экан асосан икки йўналиш таҳлил этилади. Биринчи, солиҳ амаллари, иккинчи, солиҳ фарзандлари. Домла Жондор Туленов ҳар икки жабҳада комил инсон десак бўлади.

Шак шубҳасиз, барчамиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райхон Беруний номидаги давлат мукофотининг лауреати, фалсафа фанлари доктори, профессор Жондор Туленовни нафақат йирик файласуф олим, моҳир нотик, катта фалсафий мактабнинг асосчиси балки камтарин, меҳнаткаш, юраги кенг ва ниҳоятда ҳалол инсон сифатида биламиз ва қадрлаймиз.

Жондор Туленовнинг ҳаёт йўли жуда мураккаб ва серқирра бўлган устоз 1928 йилда Жанубий Қозоғистон вилоятининг Сайрам туманига қаршли Қорамурт қишлоғида ўзбек оиласида туғилган. Унинг ота-боболари деҳқончилик билан шуғулланганлиги сабабли ҳам Жондор Туленов ёшлигидан бошлаб ҳаёт қийинчиликларини бошидан кечирган.

Бошланғич ва ўрта маълумотни кўшни 1 Гиоргиевка қишлоғида жойлашган мактабда олди. Ўқиш билан бир қаторда оила ва жамоа хўжалиги ишларида фаол қатнашганлиги учун 1940 йилда Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида мукофотланган. Уруш йилларида катталар билан бир қаторда хўжалик далаларида астойдил меҳнат қилган. Меҳнат Ж.Туленовни жисмонан ва маънан чиниқтирди. 1944 йилда у ўрта мактабни

---

<sup>1</sup> Ҳозирги замон фалсафаси: ҳолати ва тараққиётининг истиқболлари. Академик Жондор Туленов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 4-8 бетлар.



имтиёзли аттестат билан тугатди. Аммо, институтга кириб ўқишни давом эттиришининг имконияти бўлмади, чунки катта оилани боқиш унинг зиммасига тушиб қолган эди. Шунинг учун ҳам 1944- 1946 йилларда у туман халқ судининг, кейинчалик эса туман прокуратура котиби бўлиб ишлаган. 1946 йилда Олма-ота шаҳридаги Давлат юридик институтига ўқишга кирди ва 1950 йилда уни муваффақиятли тугатди. 1950-1951 йилларда Ж.Туленов Қозоғистоннинг Акмола вилоятида вилоят прокурорининг умумий пазорат ишлари бўйича катта ёрдамчиси лавозимида ишлаган.

1951 йилда фалсафа мутахассислиги бўйича аспирантурага ўқишга кириб, уни Москвада Фанлар Академияси Фалсафа институтида бошлади. 1953 йилда Ж.Туленов номзодлик диссертациясини муддатдан олдин ҳимоя қилганидан сўнг, 1954-1971 йилларда Қозоғистон олийгоҳларида кафедра мудири лавозимида ишлади.

Домла 1971 йилда оила аъзолари билан Тошкентга кўчиб келади. Ўз фаолиятини дастлаб Тошкент давлат университети қошидаги ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш институтида профессор бўлиб ишлашдан бошлади. 1972 йилда Ж.Туленов Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида "Фалсафа" кафедраси мудири, 1979-1985 йилларда ушбу институтнинг илмий ишлари бўйича проректори лавозимларида ишлади.

Ж.Туленов Қозоғистон давлат университети ҳамда Низомий номидаги ТДПУда фалсафа соҳаси бўйича таъсис этилган Ихтисослашган Илмий Кенгашининг раиси вазифасини 15 йил давомида бажариб келган. Ўн йилдан зиёд "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар" журнали таҳрир ҳайъати аъзоси ва бош муҳаррирнинг муовини вазифасини бажарган, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технология давлат қўмитаси муаммолар кенгашининг аъзоси ҳам бўлган.

Жондор Туленов илмий соҳада диалектика назариясига оид муаммоларни ярим асрдан кўп тадқиқ этиб, қуйидаги жиддий назарий масалаларни ишлаб чиққан:

-фалсафий қонун ва категорияларнинг моҳияти, уларнинг структураси ва тизими, намоён бўлиш шакллари, ўзаро алоқадорлиги, илмий билиш ва амалиётдаги ўрни;

-илмий тафаккур услуби, унинг моҳияти, тарихий турлари ва методологик аҳамияти;

-жамиятни илмий билиш ва илмий бошқариш муаммолари, ижтимоий эҳтиёжлар ва манфаатларнинг билиш жараёнига таъсири, ижтимоий зиддиятлар ва уларни бартараф этиш шакллари;

-миллий истиқлол мафкураси ва унинг фалсафий жиҳатлари, истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш масалалари;

-мустақиллик ва унинг фалсафий жиҳатлари, мустақилликнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий асосларини мустаҳкамлаш йўллари;

-қадриятлар ва уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни, миллий, минтақавий ва умуминсоний қадриятларнинг муштараклиги, миллий қадриятларнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишдаги воситачилик роли;

-мустақиллик шароитида фалсафани янгилаш ва умуминсоний қадриятлар даражасидаги фундаментал фан сифатида ривожлантириш масалалари ва ҳ.к.

Мазкур муаммолар бўйича Ж.Туленов 350 дан ортиқ илмий асарлар, шу жумладан 30 монография, 60 рисола, 50 дан зиёд илмий тўпламлар, 20 дан ортиқ ўқув қўлланма ва дарсликларни чоп этган. Шулар қаторида "Ҳаёт фалсафаси" (-Т.: Ўзбекистон, 1993. -18 б.т), "Мустақиллик ва миллий тикланиш" (-Т.: Ўзбекистон, 1996. -15 б.т.), "Қадриятлар фалсафаси" (-Т.: Ўзбекистон, 1998. -18 б.т.), "Фалсафа" (-Т.: Ўқитувчи, 1998. -27 б.т.), "Маънавиятнинг ҳаётбахш қудрати" (-Т.: Ўзбекистон, 1999. -14 б.т.), "Фалсафий маданият ва маънавий камолот" (-Т.: Меҳнат, 2000. -13 б.т.), "Маънавий юксалиш сари" (-Т.: Меҳнат, 2000. -13 б.т.), "Диалектика назарияси" (-Т.: Ўзбекистон, 2001. -20 б.т.), "Философские проблемы науки", "Методология научного творчества" (14 б.т.) ва бошқалар.

Жондор Туленов 1971 йилда Бухарестда (Руминия), 1983 йилда Зальцбургда (Австрия), 1987 йилда Москвада бўлиб ўтган IV, VII, VIII - мантик, методология ва фалсафа бўйича жаҳон конгрессларида, катор халқаро симпозиум ва илмий конференцияларда маърузалар билан иштирок этган.

Жондор Туленов ташаббуси билан Низомий номидаги ТДПУда 1979, 1984, 1987 йилларда "Диалектика ва илмий билиш" мавзусига бағишланган Бутуниттифок илмий конференциялари ўтказилди, конференция материаллари алоҳида 3 та китоб бўлиб нашр этилган.

Жондор Туленов юқорида кўрсатилган илмий йўналишлар бўйича малакали илмий кадрларни тайёрлашга ҳам ўз хиссасини қўшган. Домла раҳбарлигида қарийб 150 нафар шогирдлари докторлик ҳамда номзодлик диссертацияларни ёқлаб, ҳозирги кунда юртимизда ҳамда хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларида муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Жондор Туленовнинг фан ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда илмий-педагогик кадрларни тайёрлашдаги хизматлари мамлакатимиз томонидан юксак баҳоланди. У Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига ҳамда Абу Райхон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. 1984 йилда Ж.Туленов Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, 2000 йилдан бошлаб эса, ҳақиқий аъзоси, академик этиб сайланди. Ж.Туленов бир қанча орден, медаль ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

### **Саид Шермухамедов**

Саид Шермухамедов<sup>1</sup> - фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, таниқли файласуф. У республикада фалсафа фани

---

<sup>1</sup> Саид Шермухамедов. Библиография. –Т.: 2010. 3-7 бетлар. (мақола муаллифлари Ш.Самадов ва А.Ўтамурадов)

ривожига, илмий-педагогик кадрлар - фан номзодлари ва докторлари тайёрлашга салмоқли ҳисса кўшиб келмоқда. Саид Шермухамедов фалсафада ўзига хос илмий мактабга, жумладан "Ижтимоий фалсафа" ва "Маданият тарихи ва назарияси" бўйича фундаментал илмий мактабларга асос солди.

Бу йирик олимнинг бир қанча улкан фалсафа анжуманларида қилган маърузалари, матбуот саҳифаларидаги чиқишлари, тайёрлаётган кўплаб педагогик кадрлари туфайли Саид Шермухамедовнинг номи нафақат ўз Ватанида, хаттоки Россия, Франция, БАА, Япония, Кения, Канада, Мексика, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон, Кипр, Никарагуа, Польша, Болгария, Сингапур, Корея, Туркия ҳамда бошқа кўплаб хориж мамлакатларида маълум ва машҳурдир.

Саид Шермухамедов қарийб 60 йилдан буён илмий педагогик фаолият олиб бормоқда; бу ажойиб инсон, олим-файласуф, педагог-мураббий, жамоат ва давлат арбоби босиб ўтган катта ҳаёт ҳамда ижод йўлининг муҳим давр ва босқичлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга. Чунки унинг ҳаётдан кўзлаган асосий мақсади - Инсонга ғамхўрлик кўрсатиш, миллат-халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, фалсафа фани, маданият ва маънавиятни ривожлантириш, Ватан равнақи учун хизмат қилиш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Гапни қисқа қилиб айтганда, ватандошлари, яқин ва узоқ хориждаги файласуф дўстлари ҳамда ихлосмандлари унинг ана шу олижаноб фазилатларини бағоят қардлайдилар.

Саид Шермухамедов 1930 йилнинг 12 майида Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида таваллуд топди. Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида ўқиди, шу илм даргоҳида 1959-йилда номзодлик, 1973 йилда эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида "Этика ва эстетика" бўлими мудирини, илмий ишлар бўйича директор ўринбосарини, Ўзбекистон республикаси марказий кўмитасида маданият бўлими мудирини, республика Маориф вазири, Қори Ниёзий номидаги педагогика илмий тадқиқот институтида директор

лавозимларида фаолият кўрсатди. Мана йигирма беш йилдирки, у Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 1985-2000 йилларда "Фалсафа" кафедрасининг мудирини, 2000 йилдан профессори вазифасида ишлаб келмоқда.

Саид Шермухамедовнинг 25 йилдан зиёд вақт давомида Фалсафа жамияти президенти лавозимида фалсафа фани ва маънавий маданиятимизнинг ривожлантиришдаги жамоатчилик фаолияти айниқса бекиёсдир.

Мустақиллик Саид Шермухамедовнинг ижодий имкониятларини кенгайтирди. Унинг илмий фаолиятида янги, сермахсул давр бошланди. Олим нафақат мамлакатимизда фалсафа фанининг янгиланиш концепциясини ишлаб чиқиш, балки мустақилликнинг буюк неъмат эканлигини ёшлар онгига сингдириш жараёнида ҳамда ҳам фаол иштирок этди. Зеро ҳаёт тажрибаси марксча-ленинча фалсафа ғояларининг давр синовига бардош беролмагани, улар ижтимоий-тарихий амалиётда ўз тасдиғини топмаганини исботлади. Шу боис мустақил давлатга давр синовига бардош берадиган, унда миллий маънавий меросимизнинг асл намоёндалари таълимотлари ва даврнинг маънавий қадриятларини ақс эттирадиган янгиланган фалсафа фанининг ғояларини ёшлар онгига етказиш жараёнида юртимиз олимлари билан ҳамкорликда фаолият олиб борди. Зеро қадимги мутафаккирлар айтгани каби фалсафадан сабоқ беришда ишонтириш маҳоратини эмас, балки тўғри фикрлаш маҳоратини ўргатиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Саид Шермухамедов ўз асарларида мустақилликка эришишни тарихий тараққиёт жараёни билан боғлиқ ҳолда талқин қилади, унинг фикрича XX аср охири ва XXI аср бошларида мустақилликка эришишга интилиш давр талаби, инсон, миллат, халқлар, мамлакатлар ва давлатларнинг эҳтиёжи натижасидаги миллий ўзликни англашнинг намоён бўлишидир. Олим, ҳар қандай мамлакат мустақил бўлсагина ривожланади деб ҳисоблайди ва бу жараёнда етакчи шахснинг ролини алоҳида эътироф қилади.

Саид Шермухамедовнинг ташаббуси билан мустақиллик йилларида фалсафий масалаларга бағишланган "Маънавият. Маданият. Ижтимоий тараққиёт" (1999) мавзусида халқаро конференция ўтказилиб, унда АҚШ, Англия, Россия, Болгария, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатлардан файласуф олимлар иштирок этдилар ва мустақил бўлганига 8 йил тўлган юртдаги маънавий янгиланиш жараёнлари билан танишдилар. У халқаро илмий алоқаларни ривожлантириш, ҳозирги замон ўзбек фалсафасининг ғоялари билан жаҳон ҳамжамиятини таништириш мақсадида Маънавий маданият ва ижтимоий тараққиёт", (Вашингтон, 2000) илмий тўпламини нашр қилишга эришди. Саид Шермухамедов монографиянинг кириш сўзи ва "Ўзбекистонда фалсафий тадқиқотлар" мавзусидаги биринчи бобининг муаллифи бўлиши билан бир қаторда унинг масъул муҳаррири ҳамдир.

Саид Шермухамедовнинг "Янгиланаётган жамиятга - янги фалсафа"- (Т.: Фан, 1993) "Биз қандай жамият қурмоқдамиз?"- (-Т.: Ўзбекистон, 1999), "Инсон фалсафаси"- (-Т.: ЦПИУЛ, 2001), "Истиқлол куёши"- (-Т.: Фан, 2002) "Мустақил Ўзбекистон ва фалсафанинг ривожланиши"- (-Т.: "Фан", 2005) сингари рус ва ўзбек тилларида нашр этилган бошқа кўпгина асарлари жамиятимизнинг тарихий тараққиёт йўлини бозор иқтисодиёти шароитида ҳаққоний акс эттиради. Бундан ташқари, бу асарларда инсоннинг олий қадрият эканлиги, миллий ғоя ва мафкураининг истиқлол ғалабасидаги ўрни ҳамда ахамиятини мамлакатимизда адолатли, ҳуқуқий, инсонпарвар, очиқ фуқаролик жамиятига барпо этишда миллий ўзликни англашнинг, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашувининг нечоғлик улкан салмоққа эга эканлигини аниқ далил асосида исботлади.

Саид Шермухамедов классик Шарқ фалсафасининг, айниқса Ўзбекистон, Марказий Осиё, Эрон, Араб мамлакатлари, Туркий халқлар фалсафа мактабларининг мумтоз илмий ва маданий, инсонпарварлик ғояларини чуқур ўрганиши натижасида, унда марксча-ленинча фалсафага танқидий муносабат шаклланди ва пировард натижада ундан бутунлай воз кечди. У инсон муаммосини таҳлил қилар экан, унинг ниҳоятда улуғвор ва

мураккаб ақлли мавжудод эканлигини, инсон табиатида 36 та ижобий фазилат ва 36 та салбий иллат мавжудлигини, инсон табиатидаги ижобий фазилат ёки салбий иллатнинг ёки салбий иллатларнинг устиворлиги инсоннинг рухий ҳолати билан бир қаторда ташқи ижтимоий омиллар билан боғлиқ эканлигини асослади. Унинг фикрича инсон маънавий камолотининг муҳим омили билимдир, билимли киши "нимага қандай қараш керак" эканлигини аниқлайди ва доимий равишда ўз-ўзини тарбиялайди. Шу нуқтаи назардан, олим Ўзбекистонда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг аҳамияти ва унинг энг аввало маънавий егук шахсни шакллантиришга қаратилганлигини эътироф этади, зеро таълим ва тарбия инсоннинг индивидуал хусусиятларини муайян мақсадга йўналтирувчи куч вазифасини бажаради.

Демак, жаҳондаги маҳаллий ҳамда минтақавий муаммоларни тўғри ва одилона ҳал қилиш учун "Инсоннинг маънавий маданияти"ни шакллантиришга эришмоқ даркор. Буларнинг барчаси муаллиф томонидан эътироф этилган мустақиллик фалсафасининг муҳим жиҳатларини ташкил этди.

Саид Шермухамедовнинг файласуфларнинг бир қатор нуфузли халқаро анжуманларида, бутунжаҳон симпозиумларида, конгрессларида, конференцияларида қатнашганлиги ҳам унинг фалсафанинг ниҳоятда долзарб ва салмоқли муаммолари билан шуғулланаётганлигидан гувоҳлик беради. Хусусан, у Канадада (1983 йил 21-27 август) ўтказилган XVI жаҳон фалсафа Конгрессида иштирок этиб, "Фалсафа ва маданият мавзуида" маъруза қилди; шунингдек Конгресс шўъбаларида "Маданиятда миллийлик ва умуминсонийлик нисбати", "Маданият ва цивилизация", "Таълим ва маданият" мавзуларини муҳокама этишда фаол қатнашди.

Олим ижодий ишларини давом эттириб, 2003 йилда Туркиянинг Анқара шаҳрида "Фалсафа жаҳон муаммолари билан юзма-юз" мавзусида ўтказилган XX жаҳон фалсафа Конгрессида, 2008 йилда Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида "Фалсафа ва цивилизация тараққиёти" мавзусидаги XXI Жаҳон

фалсафа Конгрессида, 2009 йилда Россиянинг Новосибирск шаҳрида "Фалсафа. Фан. Жамият" мавзусида ўтказилган V Ҳамдўстлик мамлакатлари олимларининг фалсафа Конгрессида мустақиллик йилларида ўзбек фалсафасининг ютуқлари, Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг аҳамияти ижтимоий маънавий янгиликлар, жамиятнинг демократиялаштириш ва модернизациялаш жараёнида мамлакат аҳолисининг яқинлик билан иштирок этаётганлиги, Ўзбекистон юртида аждодларга муносиб янги авлод тарбияланаётганлиги ва Ўзбекистон барқарор тараққиёт йўлидан оғишмай кетаётганлиги ҳақида маъруза билан иштирок қилди.

Муаллиф ўзининг "Ўзбек фалсафаси" номли асарида ўзбек фалсафасининг миллий характерини асослашга ҳаракат қилади, юртимиз олимларининг жаҳон фалсафасининг шаклланиши ва ривожланишидаги ўрни ҳамда бу ғояларнинг ҳозирги кунда инсон, миллат, халқ, жамият ҳаётидаги мавқеини кўрсатади. Айни паллада ўзбек фалсафаси ҳозирги замон жаҳон фалсафасининг таркибий қисми ҳисобланишини алоҳида таъкидлайди.

Саид Шермухамедов илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш йўли билан ҳам Республикада фалсафа фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Олим раҳбарлигида шу давргача 128 дан ортиқ фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди. У бугунги кунда ҳам 15 та аспирант ва тадқиқотчиларга илмий раҳбар, шунингдек, 6 та докторантга илмий маслаҳатчи. Саид Шермухамедов тайёрлаган илмий-педагогик кадрлар орасида хорижий мамлакатлар, жумладан, Афғонистон, Яман, Хитой Халқ Республикаси фуқаролари ҳам мавжуд.

Олимнинг устоз ва шогирдларга, шунингдек дўстларига бўлган садоқати ҳамда эҳтироми ибрат олишга арзигулик. У устози Иброҳим Мўминович Мўминовнинг хотирасини доимо ёдда сақлайди. Шу боис Иброҳим Мўминовнинг 90 йиллик, 100 йиллик юбилейларини ўтказишда фаол иштирок қилди. Унинг ташаббуси билан Бухоро вилояти Шофиркон туманининг Тезгузар қишлоғидаги Иброҳим Мўминов номли мактабда устоз ҳаёти, илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолиятига оид музей ташкил



килинди. Бевақт оламдан ўтган шогирди Анвар Мансуровнинг хотирасига бағишланган мақола ёзди. монографиясини маслакдош дўсти фалсафа фанлари доктори, профессор Ҳайдар Пўлатов хотирасига бағишлади. Олим ташаббуси билан ҳозирги кунда ҳам фан ва фалсафа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган кекса олимларимизнинг юбилейлари ўтказилади, бемор ётганларнинг ҳолидан хабар олиш ишида доимо бош қошдир.

Саид Шермухамедов илмий-педагогик фаолиятни ижтимоий-адабий фаолият билан бирга қўшиб олиб боради. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, бир қанча илмий журналларнинг муҳаррият ва таҳририят аъзоси. Саид Шермухамедов илмий тадқиқот соҳасидаги кўп киррали, самарали фаолияти, илмий-педагогик кадрларни, фан номзодлари ва докторлари тайёрлаш соҳасидаги катта хизматлари, олиб бораётган ижтимоий фаолияти учун 4 та орден, 4 та медаль, ҳукумат, вазирлик ва идораларнинг фахрий ёрлиқлари билан муносиб тақдирланган.

Жаҳон Фалсафа Жамиятининг президенти, профессор Иоанна Кучуради "Саид Шермухамедовнинг ҳар бир маърузаси ўзбек юртида аждодларга муносиб ворислар тарбияланаётганининг ёрқин далили. У XX аср ўзбек фалсафасининг машҳур олимларидан биридир"<sup>1</sup> деб эътироф этади. Саид Шермухамедов Жаҳон Фалсафа жамиятининг - фахрий аъзоси. У таклид қилишга лойиқ файласуф; камтаринлик, бағрикенглик, самимийлик ҳаётининг мазмунидир. Бу ўринда, Россия Фалсафа Жамиятининг Биринчи вице-президенти, "Вестник" журналининг бош муҳаррири, фалсафа фанлари доктори, профессор Н.А.Чумаков: "Мен унда йирик олим, катта ҳаёт тажрибасига эга баркамол инсонни кўрдим, бу хислатлар менда унга нисбатан катта ҳурмат туйғусини уйғотди, бундан ташқари, мен унда одамларга насбатан пок муносабат, самимийлик ва катта ғамхўрлик ҳисси мавжудлигини сездим"<sup>2</sup> деб олимнинг инсонийлик фазилатларини алоҳида эътироф қилади.

---

<sup>1</sup> Иоанна Кучуради. Величие простого философа. // Қалблар изҳори. –Т.: Университет, 2005. 3 бет.

<sup>2</sup> Чумаков А.Н. Саид Шермухамедов философ с мировым именем // Қалблар изҳори. –Т.: Университет, 2005. 5 бет.

Саид Шермухамедовни билган, у билан ҳамсухбат бўлган одамлар доимо унинг бағрикенглигини алоҳида эътироф қиладилар, ҳеч иккиланмасдан С.Шермухамедовга чексиз ҳурмат-эҳтиром билан қарайдилар. Мана шунинг ўзи ҳам унинг шахсий фазилатларига берилган жуда катта баҳо - нодир мукофотдир.

Ҳаёт сабоқларини чуқур англаш ва улардан тўғри хулосалар чиқариш, Инсонга, ўз халқига катта меҳр-муҳаббат, она-Ватанга чексиз садоқат билан хизмат қилиш С.Шермухамедов ҳаётининг асосий мезони, унинг пировард мақсади ҳисобланади. Мана шу ноёб хислатларнинг жами С.Шермухамедовнинг кўп қиррали ижодида ўзининг тўлақонли аксини топади ва кўп сонли ихлосмандлари, файласуф олимлар, ҳаттоки оддий одамлар қалбини у маърифат нурига чулғайди.

### **Омонулла Файзуллаев**

Фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати Омонулла Файзуллаевич Файзуллаев<sup>1</sup> 1921 йил 5 апрелда Тошкентда туғилди. 1937 йил сентябрдан 1942 йил февралигача Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозир ЎзМУ) физика-математика факультети талабаси, сўнг армияга хизматга сафарбар қилинган. 1942 йил февралидан то 1945 йил сентябригача Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси бўлган ва ушбу уруш ногиронидир. Уруш сабабли вақтинча тўхтатилган ўқишини 1949 йилда тугатди.

Омонулла Файзуллаевичнинг бутун илмий, педагогик ва публицистик фаолияти фаншуносликнинг ва инсон маънавий раўнақининг назарий масалаларини чамбарчас боғлиқ ҳолда тадқиқ қилишга бағишланган.

Домла ёшларда, айниқса мактаб ёшидан илмий дунёқарашни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратадилар. У 1939-1941 йиллари Тошкентнинг Кўкча маҳалласида фан асослари бўйича тўғарак ташкил қилган. Бу тўғаракнинг бир қатор иштирокчилари кейин таниқли олим ва

---

<sup>1</sup> Омонулла Файзуллаев. –Т.: 2006. 4-8 бетлар. (Макола муаллифлари В.Қобулов ва С. Шермухамедов).

ёзувчилар бўлиб етишди (мисол учун, профессорлар - В.Мажидов, Ж.Файзуллаев, Н.Аҳмедов, ёзувчилар - Нажибулла Ҳабибуллаев, Рустам Комилов, Малик Иброҳимов ва бошқалар). Худди шундай тўғаракни у 1960-1970 йиллари ҳам астрономия соҳасида тузган: физика-математика фанлари доктори М.Зокиров, физика-математика фанлари номзоди А.Умаров ва бошқалар ушбу фанга бўлган биринчи қизиқишини шу маҳалла илмий тўғарагида шакллантирганлар.

Ўзбекистон "Билим" жамиятининг биринчи бош муҳаррири бўла туриб, О.Ф.Файзуллаев ушбу жамиятнинг маъруза матнлари, илмий-оммабоп ва маърифий рисолалар нашр қилиш фаолиятининг бошланғич босқичларида турган. Илмий-техникавий информация институтининг биринчи директори пайтида, қуйидаги тўрт журнални ташкил қилди: "Механизация хлопководства", "Хлопковая промышленность", "Шёлк", "Янги техника". Институт қошида Республика илмий-техникавий кутубхона яратилди.

Узоқ йиллардан буён О.Ф.Файзуллаев илмий ва илмий ташкилий ишларни педагогик фаолият билан бирга олиб борди. У математика, астрономия, физикадан дарс берган (Улуғбек номидаги 16-мактаб, собиқ "Известия" номидаги 38-мактаб ва Навоий номидаги 40-мактаблар, 1939-1941 йиллар). Олий математика курсидан дарс берган (Тошкент молия-иқтисод институтининг Математика кафедрасида, 1949-1951; Тошкент Давлат университетининг Умумий математика кафедрасида, 1973-1974). Назарий механика ва механика тарихи курсидан сабоқ берган (Тошкент темир йўл инженерлари институтининг Назарий механика кафедрасида, 1951-1960; Тошкент давлат педагогика институтининг Назарий физика кафедрасида, 1963-1965; ТошДУнинг механика-математика факультетининг Умумий механика кафедрасида, 1958-1965). Фалсафа курсини ўқитган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа кафедрасида 1960-йилдан умрининг охиригача 2008 йилгача). 10 йил давомида Республика раҳбар ходимлари Малакасини ошириш институтининг Ижтимоий фанлар кафедраси мудири

лавозимида ишлаган ҳамда бошқарув назарияси ва илмий-техникавий тараққиёт курсларидан 1973-1983 йилларда маърузалар ўқиган.

1963 йил О.Ф.Файзулаев академик И.М.Мўминов илмий раҳбарлигида “Материянинг ўз-ўзидан ҳаракатидаги энг оддий кўринишлари ҳақида” (“О простейших проявлениях самодвижения материи”) мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди, 1973 йили эса докторлик диссертациясини “Ўрта Осиё фани тарихида диалектик зиддият муаммосига доир” (“К проблеме диалектического противоречия в истории науки Средней Азии”) мавзуида ҳимоя қилди. У 1964 йил доцент, 1977 йил профессор илмий унвонларига сазовор бўлди.

Атоқли олим О.Ф.Файзуллаевнинг илмий йўналишлар доираси жуда кенг камровлидир. У 500 дан ортиқ асар муаллифи, “Проблемн противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии” (1974), “Человек и природа” (1979), “Научное творчество Мухаммада ал-Хорезми” (1983), “Естествознание и философия” (1986), “Нафс, жон ва рух (Қуръон, тасаввуф ва фандаги талқинлари)” (2005), “Фалсафа ва фанлар методологияси” (2006) китоблари шулар жумласига киради. О.Ф.Файзуллаев ташаббуси ҳамда унинг бевосита раҳбарлиги ва фаол иштирокида табиатшунослик фалсафасига доир 35 дан ортиқ илмий монография тайёрланган ва нашр қилинган. 2000 йили П.Қ.Ҳабибуллаев ва О.Ф.Файзуллаев таҳририда «Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация» мавзусида йирик илмий монография нашр қилинган. 2006 йили О.Ф.Файзуллаев “Ал-Хорезми, алгоритм и алгоритмизация” мавзуидаги фундаментал монографиясини В.Қ.Қобулов ва Ш.А.Назировлар билан ҳаммуаллифликда нашр қилдилар.

Домла О.Ф.Файзуллаев ёш илмий кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашга катта эътибор қаратади. Унинг раҳбарлигида 12 докторлик ва 12 номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. У Ўрта Осиё фани тарихи материаллари асосида ҳозирги замон табиатшунослигининг тараққиёт муаммоларини тадқиқ қилаётган табиатшунослик фалсафаси илмий мактабини яратди.

Унинг назарий механика бўйича маърузалар курсини (Б.С.Иўлдошев, ҚҒ.Ғуломов, А.Д.Глушенко ва бошқалар) ҳамда фалсафа бўйича курсларини (Т.Ширинкулов, Т.Бўриев, Н.Тўраев, Ш.Фармонов, С.Искандаров ва бошқалар) тинглаган талаба ва аспирантларнинг кўплари кейинчалик таниқли олимлар, жамоат арбоблари ва фан ташкилотчилари бўлиб етишди.

Фан дарғаси О.Ф.Файзуллаев тадқиқотлари кўпқирралидир:

а) физикавий "инерция" тушунчаси фалсафий категория даражасига кўтарилган;

б) тадқиқ қилиш, билиш ва фаолиятнинг алгоритмик методининг генезисига оид ҳамда эволюцион таракқиёти ўрганилган;

в) Ўрта Осиё табиатшунослигида диалектик зиддиятнинг комплекс тадқиқоти амалга оширилган;

г) ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан бир қатор Ўрта Осиё олимларининг жаҳон табиатшунослиги ривожига қўшган хиссаси белгиланган;

д) мутафаккир олимларнинг юбилейларини ўтказишда, жумладан, Мирзо Улуғбекнинг 545, 575 ва 600-йиллик юбилейларини ўтказишда фаол қатнашган;

е) файласуф-мутасаввифлар Шайх Умар Сухравардий - Шайх Зайниддин Боболарнинг генеалогиясини яратган;

ж) Ўзбекистон Республикасида фундаментал ва амалий фанлар нисбатини, илмий тадқиқотлар методларининг ҳозирги замон ҳолатини ўрганган;

з) синергетикада ўз-ўзини ташкил қилувчи икки қисмга бўлинувчи динамик тизим ҳақидаги ғоясини илгари сурган;

и) Қуръоннинг араб, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги 10 та нашрларида нафс, жон ва рух тушунчаларини мантиқий лингвистика жиҳатидан тадқиқ қилган.

Йирик олим О.Ф.Файзуллаев ал-Хоразмий, Беруний ҳамда Т.Н.Қори-Ниёзий ва М.Т.Ўрозбоев асарлариини нашр қилишда фаол қатнашган. У

фалсафа бўйича бир қатор ўқув қўлланмаларининг ҳаммуаллифи, илмий-бадий ва публицистик жанрдаги асарларнинг муаллифи, шулар орасида "Ой ҳақида диалог", "Газета - давр муҳри", "Буюк аждодларимизга муносиб бўлайлик" асарлари турли танловларнинг мукофотлари билан тақдирланган. Улар томонидан ёзилган тўрт драматик асарлари мактабларда сахналаштирилган. О.Файзуллаев ўз устози Т.Саримсоқов ҳамда университетдошлари О.Ақромхўжаев, Ҳ.Усмонхўжаев ва В.Қобулов билан илмий баҳслар ўтказган. Бу илмий-бадий диалоглар "Фан ва турмуш", "Ёш куч" журналлари ҳамда "Туркистон", "Маърифат" ва бошқа газеталарда эълон қилинган.

Фанмиз жонкуяри кўплаб республика, минтақа ва халқаро илмий анжуманларида фаол қатнашган. Шу жумладан, Фан тарихи бўйича Халқаро конгрессларда (Москва - 1971; Токио - 1974), Халқаро математика конгрессида (Покистон - 1975), VIII Фаннинг мантики, методологияси ва фалсафаси бўйича Халқаро конгрессида (Москва - 1987); ал-Хоразмий, Форобий, ал-Бухорий, ал-Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Навоий юбилейларини ўтказиш ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йилликларига бағишланган ва Москва, Тошкент, Алмати, Бухоро, Урганч, Самарқанд, Фарғона ва бошқа шаҳарларда ўтказилган халқаро симпозиумларда фаол иштирок этди. О.Ф.Файзуллаевнинг бевосита иштироки билан фан тарихи, диалектика назарияси ва табиатшунослик фалсафаси бўйича бир қатор халқаро конференциялар ташкил қилинган (Душанбе, 1967; Самарқанд, 1970; Андижон, 1981; Тошкент, 1989) ва ҳоказо.

Профессор О.Ф.Файзуллаев - жамоат арбоби ҳамдир. У республикада ва айниқса Фанлар академияси тизимидаги кўплаб жамоат ишларининг фаол иштирокчиси. У Ўзбекистон Фанлар академиясининг И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти қошидаги докторлик ва номзодлик диссертацияларни ҳимоя қилиш бўйича Ихтисослашган кенгаш раиси ҳамда Беруний номидаги Шарқшунослик институти қошидаги докторлик диссертация

цияларни ҳимоя қилиш бўйича Ихтисослашган кенгаш аъзоси эди; Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми ҳузурида бир қатор муаммовий Кенгашлар тузишда фаол қатнашган. Жумладан: Фан ва техника тарихи ва фалсафаси, ҳозирги замон табиатшунослигининг фалсафий муаммолари, фалсафий-методологик семинарлар, илмий кадрлар тайёрлаш бўйича кенгашларнинг раиси ва раис ўринбосари вазифаларида ишлаган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг аспирант ва илмий ходимлари учун илмий тадқиқотларнинг энг замонавий методлари бўйича умумакадемик семинарига раҳбарлик қилган (1960-1995 йй.). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий Аттестация Комиссиясининг тарих, фалсафа ва ҳуқуқ фанлари бўйича эксперт кенгаши аъзоси, раиси бўлган (1992-1999 йй.). Ўзбекистон Фанлар академияси Илмий-ўқув маркази "Фалсафа, миллий истиқлол ғояси ва фан методологияси" кафедрасининг профессори сифатида аспирант ва илмий ходимларга фалсафа, миллий истиқлол ғояси ва илмий тадқиқотларнинг энг замонавий методлари бўйича маърузалар ўқиган.

Уруш ва меҳнат ветерани О.Ф.Файзуллаев кўп орден ва медаллар билан тақдирланган. 1981 йили у "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" унвони соҳиби бўлди. Айнан шу йили у Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати бўлди. О.Ф.Файзуллаев "Жасорат" медали (1995 й.), "Дўстлик" ордени (2003 й.) ва "Ғалабанинг 60 йиллиги" медали (2005 й.) билан тақдирланган. Унинг фан ривожига улкан илмий ҳиссаси чет элларда ҳам эътироф этилган. 2001 йили О.Ф.Файзуллаев Америка Биографик Институти томонидан "2001 йил Инсони" деб тан олинди ва ушбу институтнинг консультантлар кенгаши аъзоси этиб сайланди.

Аллома О.Ф.Файзуллаев бутун умрини илм ва билимнинг хилма-хил йўналишларини ўрганиш ва тадқиқ қилишга бағишлаган эди. Омонулла Файзуллаев том маънода файласуфлар оқсоқолига айлан эди. У комил инсон, серқирра, сербарака файласуф-олим ва доно мураббийдир. У киши бутун илмий жамоатчилик, айниқса файласуфлар, физиклар, математиклар, ҳуқуқшунослар, тарихчилар, журналистлар ҳурматиغا сазовор инсон эдилар!

## 2.2. Ўзбек фалсафасининг асосий тараққиёт йўналишлари.

Истиқлол<sup>1</sup> - мамлакатимиздаги фалсафий янгиланишнинг бош омили. Фалсафий тафаккур ривожини инсоният тараққиёти билан узвий боғлиқ жараён дидир. Тараққиёт жараёнида давр ўзгариши билан янги даврга хос маънавий, ҳуқуқий, сиёсий ва фалсафий мезонлар ҳам шакллана бошлайди. Шу маънода, мустақил тараққиётнинг маънавий янгиланиши, хусусан фалсафий тафаккур янгиланиши борасидаги асосий омил экани ҳар қандай мамлакат, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам тарихий қонуниятдир. Бу ҳол бизнинг кунларимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Юртбошимизнинг "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" асарига таянган ҳолда истиқлол йилларида фалсафий тафаккурнинг янгиланиши билан боғлиқ жараённи таҳлил қилиш бу борада барча асослар яратилганини кўрсатади.

Аввало, таъкидлаш лозимки, собиқ иттифоқ давридаги омиллар ва унга хос иқтисодий янги мазмундаги фалсафани шакллантириш учун асос бўла олмас эди. Мустақиллик йилларида истиқлол фалсафасининг янги моддий-иқтисодий асослари шаклланди. Бу соҳада ниҳоятда катта ўзгаришлар бўй берди, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келди. Иқтисодий плюрализм ва бозор муносабатлари бош йўналиш қилиб олинган бўлса-да, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устувор жиҳат сифатида белгиланди. Ана шуларнинг барчаси мамлакатимизда маънавий, жумладан фалсафий янгиланиш борасида ҳам туб ўзгаришларнинг иқтисод билан боғлиқ асосларини яратиш имконини берди.

Фалсафий тафаккурнинг ижтимоий-сиёсий асослари мустаҳкам бўлиши зарурлиги тараққиёт жараёнида кўп бор исботланган ҳақиқатдир. Ҳар қандай жамият ва мамлакат халқнинг турли қатламлари, партиялар, миллий-этник бирликларнинг ижтимоий онгини ўзгартира олмаса, ўзининг пировард

---

<sup>1</sup> Назаров Қ. Мустақиллик ва фалсафий дунёқарашнинг янгиланиш зарурати. "Ҳозирги замон фалсафаси: ҳолати ва тараққиётининг истиқболлари" Академик Жондор Туленов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. 8-13 бетлар.



мақсадларини амалга ошириши қийин. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган Ўзбекистонда янги мазмун ва шаклдаги сиёсий тизим ҳамда тузилмалар вужудга келди. Буларнинг барчаси янги мазмундаги фалсафий дунёқарашни шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий асосларини яратди.

Фалсафий янгиланишда маънавий асослар ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бундай жараён мамлакатда амалга ошаётган маънавий соҳадаги ўзгаришларнинг таркибий қисмидир. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, халқ маънавиятининг тозаланиши, асрлар давомида яратилган кадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, келажакка етказиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар катта аҳамиятга эга. Бунда, айниқса, тарих фалсафаси, халқимизнинг хотираси, ўтмишдаги авлодлар яратган бой маданий меросдан тўла-тўқис фойдаланиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фалсафий янгиланишнинг ғоявий омиллари ҳам бор, яъни бу жараён мамлакатимиз тараққиётининг мафкуравий тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Маълумки, мафкура жамиятдаги маънавий муҳит қандай эканини кўрсатиб турадиган энг асосий мезонлардан бири бўлса, фалсафа уни шакллантирадиган омиллар сирасига киради. Президентимиз асарларида таъкидлангани каби, мафкура бўлмаса, ҳар қандай миллат, жамият ўз йўлини йўқотиб қўйиши мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда миллий истиқлол ғоясини аҳоли онги ва қалбига сингдириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараён фалсафий дунёқараш янгиланишининг асосий йўналишини белгилайдиган омиллардан бирига айланиб бормоқда.

Истиқлолнинг ўтган 16 йили давомида бу соҳадаги ўзгаришлар қуйидагиларни қамраб олганини кўрсатади:

- мустабид тузум мафкурасининг ижтимоий, маънавий ва фалсафий соҳалардаги асоратларини бартараф этиш; кишилар онги ва қалбига собиқ тузумга хос ғайриинсоний тушунча ва тамойиллардан мутлақо фарқ қиладиган эзгу ғоялар ва идеалларни сингдириш;

•жаҳон ва Шарқ халқлари фалсафий меросини пухта ва чуқур ўрганиш, бу жараёнда турли ғоя, мафкураларнинг давлатлар ҳамда халқаар тақдирига таъсирини аниқ кўрсатиш ва шу асосда истиқлол мафкурасининг тамойилларини кишилар онгига сингдириш; маънавий меросимизни қайта тиклаш ва ижодий ривожлантириш жараёнида буюк аждодларимиз фалсафий меросини янада кенг ва чуқурроқ ўрганиш;

•фалсафий адабиётлар, қўлланма ва дарсликларимизда миллий ғоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини тўла акс эттириш; истиқлол талаблари асосида маънавий баркамол авлодни тарбиялаш заруратига мос тадқиқотлар олиб бориш, уларга таянган ҳолда таълим-тарбиянинг самарали усул ва имкониятларини излаб топиш ва бошқалар.

Хуллас, истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб тарихан қисқа давр ўтган бўлса-да, мустақил тараққиёт мамлакатдаги улкан имкониятларни руёбга чиқаришнинг ягона ва муҳим омили экани ўзининг тўлиқ исботини тонди. Зеро, фақат мустақилликгина ҳар бир халққа ўз маданияти ва маънавиятини, жумладан фалсафий дунёқарашини ҳам эркин такомиллаштириш имконини беради.

Бугунги кундаги тафаккур ўзгаришида мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакат ҳаётини демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнининг моҳиятини ва фалсафий асосларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда асосий масала шундан иборатки, мустақиллик одамлар дунёқарашини ўзгаришига янгича нуқтаи назардан қарашни тақозо этади, уни янги мазмун билан бойитишни, истиқлол талаблари асосида шакллантиришни заруратга айлантирди.

Фалсафий онгнинг янгиланиши серқирра жараёндир. У жуда кенг ижтимоий мазмунга эга бўлиб, жамият маънавий ҳаёти, мафкураси, маданияти ва таълим тизимидаги янгиланиш, одамларнинг рухий покланиши жараёнининг таркибий қисмидир. Шу билан бирга, истиқлолнинг фалсафий тафаккурни ўзгартириш учун янги даврни бошлаб бергани, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида дунёқараш ўзгаришида қандай

асосий тамойил ва йўналишлар кўзга ташланаётгани, бугунги кунда фалсафий дунёқарашнинг янгиланишига таъсир кўрсатаётган замонавий омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб олиш масалалари ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кундаги фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши табиий-тарихий жараён ҳамдир. Яъни у, аввало, тараққиётнинг бир босқичидан иккинчисига ўтаётган мамлакатимиздаги узлуксиз ўзгаришларнинг таркибий қисмидир. Бу янгиланиш жамиятдан, ўз давридан, рўй бераётган ижтимоий жараёнлардан ташқарида содир бўладиган ходисалар йиғиндиси эмас. Балки у ўзида ана шу ислохотлар жараёнининг барча асосий хусусиятларини акс эттирмоқда.

Иккинчидан, мустақилликка эришган ва янги жамият барпо этаётган мамлакатимиз учун бу тарихий заруратдир. Яъни, у тасодифий намоён бўладиган ўткинчи ҳодиса эмас. Балки ҳозирги даврнинг зарурияти, жамиятни тубдан ислоҳ қилиш, одамларда янгича тафаккурни шакллантиришдаги асосий йўналишлардан биридир.

Учинчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Шу маънода, у аллома боболаримиз орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантирадиган ва такомиллаштирадиган жараёндир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, у ғоят мураккаб руҳий ўзгаришлар, одамларнинг мустабид тузумга хос руҳияти ва мафкуравий асоратлардан ҳалос бўлиш жараёни ҳамдир.

Тўртинчидан, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши инкор ва ворислик жараёни ҳамдир. Унда, бир томондан, ўзбек фалсафасида азалдан мавжуд бўлган, ҳатто собиқ мустабид тузум ҳам йўқота олмаган кўп жиҳатларнинг сақланиб қолиши кузатилмоқда. Иккинчи томондан, яқингинада устувор бўлган кўпгина синфий-партиявий тамойиллар ўтмишга айланди, инкор

этилди, Учинчи томондан эса, фалсафий тафаккурда истиқлол даврига хос бўлган янги йўналишлар ўз ўрнини топмоқда.

Ҳозирги замонга, унинг шиддатли ўзгаришларига мос фалсафий дунёқарашни янада янгилаш зарурати бир қатор йўналишларда намоён бўлмоқда:

1. Аввало, бу мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни билан узвий боғлиқ. Бунда ана шу янги жамият ҳақида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёни, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг қарор топа бориши, ислохотларнинг инсон манфаатларига хизмат қилиши, комил инсонни вояга етказиш давр талаби экани каби дастурий вазифаларнинг ҳаётийлиги тўғрисидаги ғояларни одамлар дунёқарашда қарор топтириш, уларнинг қалби ва онгига демократик қадриятларни муттасил сингдириб бориш зарур.

2. Фалсафий онгнинг янгиланиши моҳият эътибори билан мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ва алоқаларининг ўсиб бориши, тинчлик, осойишталик, миллий тотувлик, ҳамжиҳатликка хизмат қилувчи ғояларга таянади. Унинг ҳаётийлиги кўпмиллатли халқимиз иродасига, руҳиятига, миллий туйғулари, орзу-интилишларига мослиги билан белгиланади.

3. Албатта, фалсафадаги янгиланиш инсон, миллат ва Ватан манфаатлари, миллий қадриятларимиз руҳига мос ҳолда амалга ошмоқда. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда кечаётган ислохотлар жараёни, давлатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида халқимизда тўғри тасаввур ва тушунчаларни муттасил равишда ҳосил қилиб бориш лозимлигини кўрсатади.

4. Фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши тақозо этадиган энг муҳим вазифалардан бири ҳуқуқий қадриятлар, мақсад ва ғояларни амалга ошириш йўлида хизмат қиладиган тафаккур тарзини шакллантиришдир. Бу қонун устиворлиги ва шу соҳадаги мақсад ва ғоялар аввало инсон ва бутун жамият манфаатларини акс эттиргани боис, уларни маънавий ҳаёт тарзининг

таркибий қисмига айлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг асл моҳиятини, уларда баён қилинган ғоя, хулосаларни кенг халқ оммаси онгига етказиш бениҳоя муҳим ва долзарб эканини таъкидлаш жоиз. Чунки демократик тараққиёт, фуқаролик жамияти ва маърифатли, баркамол инсон тушунчалари ўзаро боғлиқдир. Ҳуқуқий давлатни ҳам, маданий бозорни ҳам, маънавий соғлом жамиятни ҳам ана шундай кишилар ярата олади. Бундай авлодни вояга етказмай туриб, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғояларини сингдирмай туриб, жамиятдаги янгиланишнинг асосий йуналишларини амалга ошириш тўғрисида фикр юритиш ниҳоятда қийин.

Демак, фалсафий дунёқарашнинг янгиланиши, бир томондан, моҳият эътиборига кўра, ҳар бир инсондан, унинг онги, тафаккури такомиллашувидан четда кечадиган жараён эмас.

Иккинчидан эса, бу - умумжамят миқёсидаги ижтимоий онгнинг ўзгариш жараёндир. Шу маънода, у ҳам жамиятдаги бошқа ўзгаришлар каби, аввало, инсон учун, унинг манфаатларини амалга ошириш учун бўлаётган туб ислохотларнинг таркибий қисмидир. Бу жараёнда ўтаётган даврни, унинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган улкан ўзгаришларни, бу ўзгаришларда иштирок этган субъектлар фаолиятини ўрганиш ва бундан хулосалар чиқариш муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз мустақиллиги, тинчлиги, фуқаролар тотувлиги, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг қадрига етиш, жамиятимизга хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларга қарши огоҳликни кучайтиришда фалсафа ва умуман, ижтимоий фанларнинг аҳамияти, бу соҳада ишлаётган мутахассисларнинг, барчамизнинг масъулиятимиз ниҳоятда катта. Шу боис, бугунги кунда мустақиллик қадрини, халқимиз тарихини, миллий, урф-одат ва анъаналаримизни ҳамда жаҳон маданиятини яхши биладиган, миллий ғурури юксак, тафаккури теран ва онги ўйғок авлодни тарбиялаш бизнинг энг муҳим вазифамиздир.

## III-BOB. МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ

### 3.1. Мустақиллик фалсафаси.

Мустақил Ўзбекистоннинг стратегик мақсади – бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, аввало, шахсий фаоллик, билимдонлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик каби олижаноб фазилатлар соҳиби бўлиши лозимки, бу жараён халқимиз маънавий ва маърифий мероси, қадриятларидан унумли ва самарали фойдаланишни тақозо этади.

Миллий мустақиллик мафкурасини шакллантириш ва комил инсонни тарбиялаш илмий, тарихий ва ижтимоий долзарб мавзулардан эканлиги, бу борада халқимизнинг маънавий, фалсафий меросини, шу жумладан тасаввуфий қадриятларни ҳам ҳар томонлама ўрганишни тақозо қилади.

Жаҳон халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётида мамлакатимизалоҳида ўрин тутди. То ҳозиргача Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча йўналиш ва соҳалари, жумладан ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётида ўзининг сезиларли изини қолдирган.

Зеро, жамиятнинг бир тараққиёт босқичидан ва муайян қадриятлар тизимидан иккинчи тараққиёт босқичи ва янги қадриятлар тизимига ўтиши, прогрессив ғояларнинг кишилар онги ва тафаккуридан жой олиши, ислоҳотларнинг позитив ўзгаришларга, цивилизация талабларига мос ижтимоий ҳодисаларга айланиши замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрлар етиштиришга боғлиқдир. Чунки, тафаккури ҳар қандай «изм»лардан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга, эл-юрт равнақига ва миллий маданиятни яратишга ва уни асрашга ўз ҳиссасини қўшишга қодирдир.

Маънавий меросимиз фалсафий асосининг муҳим қисмини тасаввуф таълимоти ва қадриятлари, шу жумладан Туркистонда шаклланиб, Шарқ маданияти ва тараққиётига катта ҳисса қўшган, уч буюк тариқатлар: яссавия, кубровия ва хожагон-нақшбандия тариқатлари ташкил этадики, бу қайси бир жихатдан ўзбек фалсафасининг назарий асосларидан биридир. Ушбу жараёни замонавий-фалсафий қарашлар нуқтаи назардан тадқиқ этиш ҳам илмий, ҳам ижтимоий-амалий аҳамиятга эгадир. Танланган мавзунинг долзарблиги ҳам шундадир.

Президентимиз мустақиллигимизнинг маънавий-ахлоқий негизлари тўғрисида тўхталиб, бу негизлар умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш; Ватанпарварлик<sup>1</sup> эканлигини кўрсатиб ўтганлар. Шу нуқтаи назардан танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги қуйидагиларда кўринади:

Биринчидан, ўзбек фалсафасининг ва миллий мустақиллик мафкурасини шакллантириш ва комил инсонни тарбиялаш илмий, тарихий ва ижтимоий долзарб мавзулардан эканлиги, бу борада халқимиз бой маънавий, фалсафий меросини, шу жумладан тасаввуфий қадриятларни ҳам ҳар томонлама ўрганиш, кенг халқ оммасига етказишни тақозо қилади.

Иккинчидан, ўзбек фалсафаси катта қисмини исломий қадриятларимиз: Қуръони карим, Ҳадиси шарифлар, тафсирлар, шариат китоблари ва тасаввуфий мерос ташкил қилади. Ҳозирги давр халқимиз маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш жараёнида исломий ва тасаввуфий меросни замонавий илмий усуллар билан тадқиқ қилишни тақозо этади.

Учинчидан, миллий фалсафий меросимизнинг муҳим қисмини тасаввуф таълимоти ва қадриятлари, шу жумладан айнан бизнинг Ватанимиз - Туркистонда шаклланиб, эндиликда бутун дунёга тарқалган, жаҳон илм-фани, маданияти, умуминсоний қадриятлари тараққиётига катта ҳисса

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996. I-Ж. - Б. 76.

қўшган, уч буюк тасаввуфий тариқатлар: яссавия, кубровия ва хожагон-нақшбандия тариқатлари ташкил этади. Мамлакатимиз ўзининг мустақил таракқиёт йўлидан борар экан, умуминсоний қадриятларга содиқ эканлигини расман эълон қилган. Шу мақсадда тасаввуф таълимотини умуминсоний қадрият сифатида ўрганиш зарур.

Тўртинчидан, мамлакатимиздаги мустақилликдан кейинги миллий тикланиш жараёнида Президент И.А.Каримов ташаббуси билан тасаввуфий меросга катта эътибор қаратилмоқда.

Зеро, Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаб ўтганидек, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам «...тарихимизни ва жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо хисса қўшган буюк аждодларимиз»<sup>1</sup> дандир. Бу эса бизга Баҳоуддин Нақшбанд каби даҳо тасаввуф алломаларимиз ва бошқа тасаввуфий меросларимизни илмий ўрганиш вазифасини юклайди.

Бешинчидан, Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамияти бунёд этилаётган ҳозирги жараёнда, инсонни барча имкониятларини намоён қилишга, ўзлигини англашга шароит яратилган. Бу борада ўзбек фалсафасининг назарий асосларидан бири бўлган тасаввуф таълимотида, бир қатор ғоя, назария ва тажрибалар мавжудки, уни фалсафий жиҳатдан махсус таҳлил ва тадқиқ этиш зарур.

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1994. -Б. 140.



### 3.2. Фалсафа мустақиллиги ва муаммолари.

Юртимиз файласуф олимлари ҳозирги кунда ўзларининг илмий тадқиқот ишларини асосан қуйидаги мавзулар устида олиб бормоқдалар<sup>1</sup>:

- тараққиёт муаммолари ва мустақил Ўзбекистон илмий-техникавий раўнақининг фалсафий масалалари;
- илмий-техник ва ижтимоий тараққиёт диалектикаси;
- Ўзбекистондаги ижтимоий тараққиётнинг минтақавий хусусиятлари;
- маданият ривожини ва ижтимоий-фалсафий фикр тарихида инсонпарварлик муаммолари;
- Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг маданий мероси, ижтимоий, фалсафий, ахлоқий, диний, ҳур фикрлари тарихи, ҳозирги замон Шарқ фалсафаси ва динлари;
- миллатлараро муносабатларнинг аҳволи ҳамда уларни уйғунлаштириш йўллари (минтақавий жиҳатлари);
- миллий мустақиллик ва миллий муносабатлар ривожининг ижтимоий, сиёсий ҳамда маънавий муаммолари;
- зиёлилар ва маънавий қадриятлар тараққийсининг ижтимоий муаммоларини ва ҳоказолар.

Ушбу тадқиқотларнинг натижалари илмий, илмий-публицистик мақолалар, рисоалар, тўпламлар, китобларга айланмоғи режалаштирилган. Афсуски, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврининг мураккаб қийинчиликлари, хусусан, молиявий тақчиллик бу соҳага ҳам ўз муҳрини босмоқда. Ўйлаймизки, мустақил давлатимиз, унинг раҳбарияти Ватанимиз нурли истиқболининг гарови, маънавият, илму фан оламининг гултожи, уриб турган юраги, тақдирилмон давримиз фикрий ифодаси, кўзгуси- ижтимоий-фалсафий тафакку ривожини йўлида ўз ғамхўрликлари, ёрдамлари, марҳаматларини ҳеч аямайдилар.

---

<sup>1</sup> Жалолов А. Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1994. 64-65 бетлар.

Албатта, бу мавзулар мустақил республикамизнинг фалсафа соҳасидаги кенг кўламли эҳтиёжларини тўла қондира олмайди. Ўйлаймизки, институтимиз фаолиятининг доираси ушбу эҳтиёжларга мутаносиб тарзда ҳам салмоқ, ҳам сифат жиҳатларидан муттасил ўсиб боради. Биз нафақат Шарқ, балки Ғарб фалсафасини кенг миқёсларда ўрганишни йўлга қўямиз. Бой ижтимоий-фалсафий меросимизни янгича замонамиз талабларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этишни ташкил этамиз, аجدодларимиз яратиб келган маънавият дурдоналаридан халқимизни баҳраманд қилиш чораларини кўрамиз. Ҳозирча, кўп ҳолларда биз, ўтмиш деганда, буюк аجدодларимизнинг номларини тилга олишдан нарига ўтмаяпмиз ёки уларни илоҳийлаштириш билан шуғулланмоқдамиз.

Ижтимоий ҳаёт ривожини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишга фалсафий ёндашув кўзланаётган асосий мақсадни, унга этиш йўллари, тегишли вазифаларни, миллион-миллион кишилар ҳамда ҳар бир инсон шахси саъйи ҳаракатлари муштараклиги, уйғунлашувига эришиш омилларини, тараққиётга элтувчи жараённинг ҳаракатлантирувчи кучларини, уларнинг самарали манбаларини пухта аниқлашни тақозо қилади. Мана шундан келиб чиқиб, мустақил Ўзбекистонда юз бераётган барча ислоҳий ўзгаришлардан кўзланаётган мақсад - мамлакат аҳолиси, ҳар бир фуқаро, оила учун инсонга муносиб ҳаёт ва фаолият шароитларини яратиш эканлиги эълон қилинган.

Ушбу мақсадга эришишнинг фалсафий асосланган йўллари қуйидагилардан иборат<sup>1</sup>:

- халқнинг маънавий етуклигини, ахлоқий баркамоллигини таъминлаш, унинг онгидаги ақидапарастлик майлларига барҳам бериш, иқтисодий ҳаётни чуқур, ҳар томонлама ислоҳ қилиш, мулкчиликнинг хилмахиллигини жорий этиш;
- ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини қарор топтириш;
- ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизларини яратиш;

---

<sup>1</sup> Жалолов А. Истикбол уфқлари. –Т.: Шарқ, 1998. 186-187 бетлар.

- ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар осойишталиги, умуммиллий тотувликни таъминлаш;

- кучли фуқаролик жамияти ҳамда давлат бошқарувининг унга монанд тизимини барпо этиш;

- иқтисодийни бошқаришнинг бозор муносабатлари талаблари табиатига мос янги ташкилотлари, муассасаларини вужудга келтириш, унинг маъмурий-буйруқбозлик тизимини барҳам топтириш ва ҳоказолар.

Табиийки, ушбу вазифалар бирин-кетин, галма-гал тарзда амалга оширилмайди. Шу билан бирга, ҳамма кўзланган вазифаларни бирваракайига ҳам адо этиб бўлмайди.

Шу боис устувор вазифаларни, яъни тараққиёт занжирининг асосий, етакчи халқаларини, аниқламоқ лозим. Иш шундай ташкил этилмоғи лозимки, бунда бир-бирига ўзаро таъсир этувчи ижтимоий ҳодисалардан қайси бири бошқасига фаол таъсир этиш кучига эга бўлган ҳолда, барибир, пировард натижада, унинг ҳосилавий, натижавий мақомга эга эканлиги аниқ ҳисобга олинган бўлсин. Зеро, ҳаётда, барча муносабатларда мутлақ бирламчи ёки мутлақ иккиламчи деган нарса ва ҳодисаларнинг ўзи йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Нарса ва ҳодисалар, хоҳ табиатда, хоҳ жамиятда бўлсин, бир-бирларига таъсир этадилар, ўзаро ўрин алмашиб турадилар.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда бизнинг олдимизга кўйилаётган муҳим вазифалардан бири, бой маънавий меросимизни холисона ўрганиш орқали, ватанимиз келажаги ҳисобланган ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашдан иборат. Ўтмиш маънавий меросимизни холисона ўрганиш, тарғиб этиш, ўзбек халқининг асл миллий-маънавий қадриятлари, тарихий ўзлигини, ўзбекона руҳ ва менталитетини қайтадан тиклаш, замонавий мазмун бериш орқали ёшларда мустақиллик мафкурасини шакллантириш учун асос бўлади.

Ҳозирги даврда мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсон қилиб тарбиялаш энг асосий вазифаларимиздан биридир.

Мустақил республикамиз янги тарихий босқичга, XXI асрга кадам кўйди. Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги бош ва асосий мақсади-бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий, демократик давлат ва эркин фуқоролик жамиятини куришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси аввало, шахсий фаоллик, билимдонлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик каби олижаноб фазилатлар соҳиби бўлиши лозимки, бу жараёнда халқимиз маънавий ва маърифий мероси, қадриятларидан унумли ва самарали фойдаланишни тақозо этади.

Бугунги кунда халқимизнинг руҳиятини баланд кўтариш учун юртига, она-Ватанга чексиз муҳаббат туйғусини қалбида мужассам этган, дили пок, маърифатга ташна, баркамол ёшларни тарбиялаш зиёлиларнинг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади. Бу ўринда биз юқорида келтирган фикр ва мулоҳазалардан ўринли фойдаланиш, айниқса миллий истиқлол ғоясининг фалсафий илдизларидан кенгроқ фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожига эҳтиёжлари жамиятда миллий маънавиятни, мамлакатнинг ҳар бир фуқаросида ижодий фикр қила олиш қобилиятини шакллантириш вазифасини кун тартибига қўйди.

Шу боисдан ҳам, мамлакатимиз йўлбошчиси, истиқлолга эришган дастлабки кунлардаёқ, кўзланаётган олийжаноб эзгу ниятларга эришишимизнинг асосий шарти - Ватанимиз фуқаролари дунёқарашини тубдан ўзгартиришда, уни мутелик, боқимандалик кайфиятлари каби нуқсонлардан ҳоли этишда эканлигини алоҳида таъкидлади.

Она диёримиз - мустақил Ўзбекистонда қад кўтараётган фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат муҳташам биносини барпо этишга қаратилган тақдиршумул ислохотлар, жумладан, уларнинг муҳим омили - мамлакат фуқаролари онги, дунёқарашадаги ўзгаришлар фалсафаси давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг асарлари, маърузалари, нутқлари ва бошқа чиқишларида изчил баён этилган. Уларнинг ҳам ибтидоси, ҳам интиҳосини айни миллий маънавият, ижодий тафаккур масалалари ташкил этган.

“Ҳар қандай ҳолатда ҳам мантикий тафаккур ва босиқлик билан иш кўриш, аждодлар меросига муносабат, қатъиятлилик, халқпарварлик ва бошқалар”. “Ҳамиша тарихнинг ҳар қандай бурилиш палласида ҳам босиқ-вазминлик, холислик ва масъулият зарур”, “Бу ўлкада буюк мутафаккирлар вояга етган”, “Ўзимни ўзим назорат қилиб, ташқаридан ўзимга назар ташлаш туйғусига эгаман ва бу нарса ўйламай-нетмай, шошма-шошарлик билан қилинадиган ҳаракатлардан сақлайди”, “Бугунги кунда иқтисодий вазиятни сиёсий вазиятдан ажратиш мумкин эмаслигига, уларнинг диалектик узвий боғлиқлигини эътироф қилмаслик мумкин эмаслигига ҳеч кимда шубҳа туғилмаса керак”<sup>1</sup>.

Кишилар ҳаётининг бирдан бир макони - жамиятни инсонийлаштириш вазифасини фалсафанинг, яъни юксак ижодий тафаккурнинг, фаол иштирокисиз ҳеч ҳам адо этиб булмайди.

Мумтоз фалсафий фикр намояндаларидан бири - П.Лавров<sup>2</sup>нинг таъкидлашича, фалсафа инсоний руҳ фаолиятининг ўзга соҳаларидан фарқ

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 143, 55-56, 180, 397, 352, 359 бетлар.

<sup>2</sup> Жалолов А. Истиқбол уфқлари. –Т.: Шарқ, 1998. 217 бет.

килиб, у уларнинг барчасига ҳаётийлик, инсонийлик бахш этади, натижаларини инсон учун тахтил этади. Фалсафасиз фан, бу - ашёлар йиғиндисига, санъат - ҳунармандчиликка, ҳаёт эса - мурватга айланиб қоладилар. Фалсафий мушоҳада, мулоҳаза юритиш, бу - ўзида инсонни, бир бутун, яхлит мавжудот сифатида камол топтирмақ демакдир. Р.Декарт<sup>1</sup>нинг айтишича, фалсафанинг инсонлар хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини йўналтиришдаги аҳамияти уларнинг тўғри йўналишда кадам ташлашлари учун кўзлари бажарадиган вазифадан ҳам юқориқдир. М.Монтен<sup>2</sup>нинг фикрича, агар инсоннинг қаршида фақат ғам ва қайғудан бошқа нарса бўлмаса, демак, бу ерда фалсафадан ном-нишон ҳам йўқ.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, фалсафа фақат файласуфлар, ўқув юртлари, мактаблар учунгина керак, ўқиб ўрганишгагина дахлдор нарса бўлмай, у, авваламбор, жамият, халқ, мамлакат, давлат учун зарур. Зеро, Афлотун айтганидек, фалсафа, яъни ақл-заковат, донолик сиёсий ҳокимият, давлат бошқаруви билан уйғунлашмагунча, инсониятнинг бахти қаролиги барҳам топмайди.

Демак, фалсафа бутун маънавият оламининг ҳам маънавияти, унинг мағзи, гултожиси, ибтидоси ва интиҳосидир. Бундан айни фалсафанинг, файласуфларнинг юксак ижтимоий масъулияти келиб чиқади.

Ўзбекистонда юз бераётган туб ўзгаришларнинг пировард мақсади - мамлакат аҳолиси, ҳар бир фуқаро, оила учун инсонга муносиб турмуш шароитларини муҳайё этиш. Мазкур мақсадга эришишнинг, фалсафий мушоҳада қилинган, йўллари қуйидагилардан иборат:

- халқнинг, ҳар бир фуқаронинг юксак маънавийлигини таъминлаш;
- ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизларини яратиш;
- мулкчиликнинг хилма-хиллигини жорий қилиш;
- бозор муносабатларини қарор топтириш;
- ижтимоий барқарорликни таъминлаш;

---

<sup>1</sup> Жалолов А. Истикбол уфқлари. –Т.: Шарқ, 1998. 217 бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 217 бет.

- кучли фуқаролик жамияти ва унга монанд давлат бошқаруви тизимини барпо этиш;

- иқтисодий ва бошқаришнинг бозор муносабатлари табиатига мос ташкилотлари ва муассасаларини вужудга келтириш ва ҳоказолар.

Юқоридагилардан келиб чиққан холда тадқиқотимиз натижалари бўйича куйидаги **тавсияларни** бериш мумкин:

1. XXI асда ўзбек фалсафасининг ривожланиш йўналишлари Ватанимиз фалсафаси тарихида алоҳида бир давр. Бу даврни Ижтимоий-иқтисодий факультети “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқий таълим” бакалавр йўналишида махсус курс сифатида жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Келажак авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Бу жараёнда XX-XXI асрлар ўзбек файласуфларининг ҳаёт йўли ва жасорати аҳамиятлидир. Шу маънода, тарбия жараёнлари билан шуғулланадиган муассасалари учун “XX-XXI асрлар ўзбек фалсафаси” номли рисола чоп этиш зарур.

3. XX-XXI асрлар ўзбек фалсафаси намоёндаларининг ватанпарварлик, маърифат, тарбия билан боғлиқ ғояларини мустақиллик арафасида оммавий ахборот воситалари орқали кенгроқ тарғиб қилиш ва бу борада туркум маълумотларни бериб боровчи кўрсатув, эшиттиришларни йўлга қуйиш керак.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. -Т.: 1999.
2. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т.: Ўзбекистон, 1996, III жилд.
3. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000, VIII жилд.
4. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1996, II жилд.
5. Каримов И. А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: 1998.
6. Каримов И. А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Т.: 2000.
7. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996, I жилд.
8. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд, -Т.: Ўзбекистон, 2005.
10. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлар-олий қадрият. 14-жилд, -Т.: Ўзбекистон, 2006.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: 2008.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
13. Президент асарлари библиографияси. -Т.: 2009.
14. Фалсафа (ўқув қўлланма). Э.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 1999.
15. Туленов Ж., Гофуров З. Фалсафа. -Т.: Ўқитувчи, 1997.
16. Фалсафа асослари (Қ.Назаров). -Т.: Ўзбекистон, 2005.
17. Омонулла Файзуллаев. –Т.: 2006.
18. Falsafa (E.Yusupov). -Т.: O`qituvchi, 2005.



19. Ҳозирги замон фалсафаси: ҳолати ва тараққиётининг истиқболлари. Академик Жондор Туленов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008.
20. Раҳимов И. Фалсафа. -Т.: Университет, 1998.
21. Falsafa. (M. Ahmedova). -Т.: O`zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti, 2006.
22. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Назаров Қ. таҳрири остида. - Т.: Шарқ, 2004.
23. Ғарб фалсафаси. Назаров Қ. таҳрири остида. - Т.: Шарқ, 2005.
24. Фалсафа энциклопедик луғат. Назаров Қ. таҳрири остида. –Т.: Шарқ, 2011.
25. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: Маънавият, 2008.
26. Саид Шермухамедов. Библиография. –Т.: 2010.
27. Хайруллаев М.М. Миллий маънавиятимизнинг улкан жонкуяри. Академик Иброҳим Мўминов (Мақолалар ва хотиралар). –Т.: 1993.
28. Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эзгуликка чоғлан, одамзод. –Т.: Шарқ, 1997.
29. Ғойибов Н. Донишманд. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 27 бет.
30. Қалблар изҳори. -Т.: Университет, 2005.
31. Бегматов А. «Маънавият фалсафаси ёхут Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизиминг яратилиши». -Т.: 2000.
32. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. -Т.: Академия нашриёти, 2007.
33. Эркаев А. Маънавият ва миллий ғоя. -Т.: 2002.
34. Эминов А.М., Қаршибоев Ҳ.Қ. Бакалаврият таълим йўналиши битирувчилари учун битирув малакавий ишларни таёрлаш ва химоя қилишга оид услубий кўрсатмалар. –Гулистон: 2010.
35. Жалолов А. Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1994.
36. Жалолов А. Истиқбол уфқлари. –Т.: Шарқ, 1998.

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ  
АКАДЕМИК ФАЙЛАСУФЛАРИ:**

- 1. Мўминов Иброҳим**
- 2. Зоҳидов Воҳид**
- 3. Хайруллаев Музаффар**
- 4. Юсупов Эркин**
- 5. Валиев Абдулхай**
- 6. Баратов Мубин**
- 7. Пўлатов Ҳайдар**
- 8. Туленов Жондор**
- 9. Шермухамедов Саид**
- 10. Турсунмухаммедов Саттор**
- 11. Базарбаев Жуманазар**

## **XXI АСР ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИНИНГ ЕТУК**

### **НАМОЁНДАЛАРИ:**

1. Шермухамедов Саид
2. Базарбаев Жуманазар
3. Хоназаров Қўчқор
4. Абдусаметов Анвар
5. Шайхова Хотима
6. Абдуллаева Маҳбуба
7. Жалолов Абдулхофиз
8. Саифназаров Исмоил
9. Тўйчиев Бердиқул
10. Норқулов Дўстмурод
11. Назаров Қиём
12. Туленова Карима
13. Яхшиликов Жўрабой
14. Шермухамедова Нигинахон
15. Қадиров Анвар
16. Мамашокиров Саидмурод
17. Тўраев Бахтиёр
18. Хўжамуродов Ибрагим
19. Абилов Ўрал
20. Сангиров Саидрасул
21. Алиқулов Ҳайдаров
22. Наврўзова Гулчехра
23. Шодиев Рустам
24. Алимасов Виктор
25. Каримов Бахтиёр
26. Тўраев Бахтиёр

## **ФАЛСАФАНИНГ МАВЗУСИ:**

Фан-ҳақиқат,  
дин-эътиқод,  
ҳуқуқ-адолат,  
ахлоқ-яхшилик,  
санъат-ғўзаллик,  
сиёсат-давлат  
билан шуғулланса,  
**фалсафа**-донолик  
билан шуғулланади.

Проф. И.Раҳимов

## ФАЛСАФА ШАЖАРАСИ

№	Фалсафанинг таркибий тузилиши
1	Диалектика
2	Онтология
3	Гносеология
4	Мантиқ
5	Этика
6	Эстетика
7	Фалсафа тарихи
8	Ижтимоий фалсафа
9	Ҳуқуқ фалсафаси
10	Сиёсат фалсафаси
11	Дин фалсафаси
12	Маданият фалсафаси
13	Табиат фалсафаси
14	Технология фалсафаси
15	Техника фалсафаси
16	Миллий ғоя ва мафкура

“Конфуций, Демокрит, Сократ, Аристотель, Флоробий, Кант, Декарт, Гегель каби олимлар, дарҳақиқат умумфалсафа билан шуғулланишган.

Платон, Ибн Сино, Беруний, Навоий, Леонардо да Винчи, Ньютон, Даламбер, Рассель, Ницше, Эйнштейн, Поппер каби олимлар фалсафа илмининг алоҳида конкрет муаммолари билан қизиққан.

Шунингдек, Соловьёв, Бердяев ва Булгаков, асосан ижтимоий фалсафа соҳасида ижод қилганлар”.

Проф. О. Файзуллаев

## Фалсафа □а□ида:

Фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканини тушунамиз.

И.Каримов

Мен кўплаб ажойиб фанларни биламан, аммо фалсафадан ажойиброғини тополмадим.

Гегель

Одам борки фалсафа бор.

Нақл

Донишманд доимо юксаклик сари интилади.

Сени койиган донишманднинг этагидан маҳкам тут.

Будда Шакъя Муни

Сиз сўранг-оларсиз, изланг топарсиз, эшикни қоқинг ва у очилгусидир. Ҳар бир сўровчи олади, изловчи топади ва келгувчига эшик очилади.

Исо АС

Ҳар қандай саволга жавоб бериш мумкин, фақат у тўғри берилса бас.

Платон

-Донишмандликни ибтидоси: фикрлашни ўрганиш, вайсақиликка барҳам бериш.

-Тинглаш ва сукут сақлаш сени доноликка етаклайди. Сукут доноликнинг бошланиши.

Пифагор

Фалсафа билан шуғулланувчилар кўп нарсалардан яхши хабардор бўлишлари керак.

Гераклит

Билимлар мўллигига эмас, фикрлар мўллигига интилмоқ жоиз.

Демокрит

Фалсафа менга ўз ўзим билан суҳбат қуришни ўргатди.

Антисфен

Фалсафанинг фойдаси шундаки, у ҳар қандай одам билан сўзлаша олиш имконини беради.

Аристипп

Фалсафа билан машғул бўлинг. Шунингдек, ёшларда ҳам фалсафага рағбат уйғотинг.

Платон

Ҳайрат фалсафанинг ибтидоси.

Аристотель

Фалсафа ёхуд донишмандликка меҳр қўйиш ақлни чархлаш демакдир.

Донолик ҳамма нарсанинг ибтидоси ва буюк эзгуликдир.

Эпикур

### Фалсафага таърифлар:

Фалсафа — барча мавжудотнинг ибтидоси ва сабаблари тўғрисидаги фан.

Фалсафа-инсоннинг дунё ва ўзи тўғрисидаги ҳамма билимларини ўз ичига олувчи фан.

Аристотель

Мавжудлик ҳақидаги билим қўлга киритилса, шу ҳақда таълим берилса, мавжудотдан бўлган нарсанинг зоти билинса, нарсанинг маъноси тушунилса, ишончли ҳужжатлар асосида шу нарса ҳақида мияда бир турли ишонч ва тасаввур пайдо бўлса, манна шу маълумотга доир фанни фалсафа деймиз.

Форобий

Фалсафа-мутлоқ борлик тўғрисидаги олий фан.

Абу Али ибн Сино

Фалсафа-тўғри фикрлаш орқали эришилган билим.

Гоббс

Фалсафа-фанларни кўриб муҳокама қилувчи фан.

Гегель

Фалсафа- калбга шифо бағишловчи фандир.

Фалсафа- ақлий маданиятдир.

Цицерон

Фалсафа-хотиржамлик манбаи.

Сенека

Фалсафа-жамият, табиат ва инсон тафаккури тараққиётининг энг умумий қонунлари тўғрисидаги фандир.

Фалсафа-олам, одам ва унинг онги тўғрисидаги фан.

Фалсафа-умумназарий дунёқараш, ижтимоий онг ва умумийлик тўғрисидаги фан.

Дарслик

**Ўзбекистон Фалсафа жамияти Сирдарё вилоят бўлимининг**

**2010 йил 10 декабрда тузилган таркиби:**

1. Р.Маҳмудов. ГулДУ маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректор – раис.
2. С.Исмоилов. ГулДУ “Миллий ғоя ва фалсафа” кафедраси мудирлари – раис ўринбосари.
3. Б.Усмонов. ГулДУ катта ўқитувчиси – котиб.
4. Х.Абдирахатов. “Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти” кафедраси мудирлари – аъзо.
5. О.Бегиев. СВКҚТМОИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудирлари – аъзо.
6. Ш.Шарипов. Гулистон АЛ “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудирлари – аъзо.
7. Н.Темирова. ф.ф.н, доцент в.б. – аъзо.
8. Б.Ғофуров. ГулДУ катта ўқитувчиси – аъзо.
9. Ф.Боқиев. ГулДУ ўқитувчиси – аъзо.
10. С.Ғайбуллаев. ГулДУ талабаси – аъзо.
11. У.Рустамов. ГулДУ талабаси – аъзо.